

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№1/2020(148) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУХАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 17.02.2020 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 7380 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

Судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори ҳақида

28. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

34. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

42. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

48. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2019 йил 24 декабрь

№ 25

Тошкент шаҳри

Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида

Судларда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 47-боби нормаларини қўллашда масалалар вужудга келаётганлиги, шунингдек, ушбу масала бўйича қонунчиликни тўғри қўллашни таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари янги очилган ҳолатлар бўйича ушбу қарорни қабул қилган суд томонидан қайта кўрилиши мумкин.

ФПК 47-боби қоидаларидан келиб чиқиб, иш мазмунан ҳал этилмаган биринчи инстанция судининг бошқа ҳужжатлари (масалан, аризани қабул қилишни рад этиш ёки даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги, аризани кўрмасдан қолдириш ёки ишни иш юритишдан тугатиш тўғрисидаги, процессуал муддатни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги ажримлар, хусусий ажрим) янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилмайди.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияси судлари ўзлари томонидан чиқарилган ажримлар, қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича улар томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёхуд янги ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, қайта кўришга ҳақли (ФПК 438-моддаси).

2. Ишда иштирок этган шахслар, шунингдек, прокурор қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни (бундан буён матнда суд ҳужжатини деб юритилади) янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ФПК 47-моддасига мувофиқ ҳуқуқий ворислик фуқаролик суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлиги сабабли, қонуний кучга кирган суд ҳужжати қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан

мурожаат қилиш ҳуқуқига ишда иштирок этган шахсларнинг процессуал ҳуқуқий ворислари ҳам эга.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар қонуний кучга кирган суд ҳужжати ушбу шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига дахл қилса, улар суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори инстанция суди томонидан текшириш тўғрисида шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

3. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида берилади, уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, белгиланган тартибда расмийлаштирилган, вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинган ҳолда имзоланади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризада қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (номи), уларнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва почта манзили;
- 3) аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжатини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, суд ҳужжати қабул қилинган сана;
- 4) аризачининг фикрига кўра, суд ҳужжати-

ни қайта кўриш учун асос бўлаётган янги очилган ҳолатга кўрсатма, уларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ушбу ҳолатни тасдиқловчи бошқа далиллар;

5) ариза бераётган шахснинг талаби;

6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судига бериладиган аризага тегишли суд томонидан тасдиқланган, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг нусхалари илова қилинади.

Судга қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани беришда давлат божи тўланмайди.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 439-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган уч ойлик муддатнинг ўтказиб юборилиши, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини ФПК 47-боби тартибда қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш учун ёхуд уни қабул қилишни рад қилиш учун ўз-ўзидан асос бўла олмайди.

Мазкур муддатга риоя қилинганлиги ҳақидаги масала суд томонидан ариза билан мурожаат қилган шахснинг илтимосномаси бўйича, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳолатлар очилган кундан олти ойдан кечиктирмасдан берилган бўлсагина, суд мажлисида муҳокама қилиниши зарур.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, судга мурожаат қилиш муддатининг узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилиши, кўрсатилган аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун мустақил асос ҳисобланади ва суднинг ажримида асослангандирилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш муддатини тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда нафақат уни ўтказиб юборилганининг узрлилиги, балки аризаچи янги очилган ҳолатлар мавжудлиги ҳақида билган ёки билиши лозим бўлгандан кейин суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги ариза ўз вақтида берилган ёки берилмаганлиги ҳам инobatга олинishi лозим.

5. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш муддатини ҳисоблашда, ФПК 440-моддасига асосланиш, ариза бериш учун муддат:

1) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда - иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;

2) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда — суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;

3) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда — қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажримга ёки қарорга асос бўлган ҳукмга, ҳал қилув қарорига, ажримга ёхуд қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажримга, қарори ёхуд бошқа органнинг қарори

қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланиши инobatга олинishi лозим.

6. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг кўрилиши ФПК 47-боби қоидалари инobatга олинган ҳолда, тегишли суд инстанциясида иш юритиш қоидалари бўйича амалга оширилади.

Суд аризани қабул қилгандан сўнг суд мажлисининг вақти ва жойини белгилайди ҳамда бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги уни ўтказилишига тўсқинлик қилмайди.

ФПК 442-моддасига мувофиқ суд қайд этилган аризани суд мажлисида кўради, иш бўйича янги очилган ҳолатлар мавжудлигини тасдиқлаш учун тақдим этилган далилларни текширади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди, суд мажлиси баённомасида ёритилиши лозим бўлган бошқа зарур процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

7. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги ариза, у суднинг тегишли инстанциясига келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда кўрилади.

8. ФПК 437-моддасининг иккинчи қисмида мавжуд бўлган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қонун нормасидан келиб чиқиб, янги очилган ҳолатлар, улар ишни тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳоллардагина суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос ҳисобланади.

9. Иш кўрилаётган пайтда объектив ўринга эга бўлган ва қабул қилинган суд ҳужжатининг мазмунига таъсир кўрсатадиган, ушбу ҳужжат чиқарилаётганда аризаچи, шунингдек, суд билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ишга тааллуқли фактик ҳолатлар, ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган янги очилган ҳолатлар ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, аризаچи томонидан иш бўйича тақдим этилган янги далиллар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

10. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар, агар улар қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига олиб келган бўлса, суд ҳужжатини қайта кўришга асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).

Тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакилларининг суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноятлари, судьяларнинг ишни кўриш ва ҳал

этишда содир этган жиноятлари (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди), ушбу ҳолатлар ишнинг натижасига таъсир этган-эتماганлигидан қатъи назар суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлади.

Ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноят ишини реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги суднинг ажрими, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори билан аниқланган ҳолатлар ҳам, агар суд ушбу ҳолатларни иш учун муҳим деб топса, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди).

11. Судлар шуни инобатга олиши зарурки, суд ҳужжати қабул қилингандан сўнг вужудга келган ҳолатлар ҳам суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди).

Бундай асослар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни кўришда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

суд ҳужжатини қабул қилиш учун асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилиниши судга мурожаат қилиш учун асос бўлганда ва қайта кўриш масаласи қўйилган ҳолларда, суд ҳужжати ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилинганлиги ишни кўриш натижасига таъсир кўрсатган ёки кўрсатмаганлигини текшириш зарур;

агар судга мурожаат қилишнинг асоси мазкур иш бўйича ноқонуний ёки асоссиз суд ҳужжатини қабул қилишга олиб келган битимнинг қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги бўлса, бу ҳолат бошқа иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори хулоса ва (ёки) асослантирувчи қисмида низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш тўғрисидаги хулоса мавжуд бўлганда, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлади.

12. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича суд аризани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқаради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд уни қайта кўришни рад қилади (ФПК 443-моддаси). Ажрим нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга тилхат олиб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Биринчи, апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг қаноатлантирилиши тегишли суд томонидан ФПК билан ушбу инстанция суди учун белгиланган қоидалар бўйича ишни қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 445-моддаси).

13. Биринчи инстанция суди томонидан ФПК

47-боби тартибида чиқарилган ажрим устидан апелляция ёки кассация инстанцияси судига хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди томонидан чиқарилган ажримлар, қарорлар чиқарилган кундан бошлаб кучга киради ва улар устидан назорат тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

14. Биринчи инстанция судининг суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақидаги ажрими устидан берилган хусусий шикоят (протест) қаноатлантирилганда, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ФПК 47-боби тартибида ушбу ажримни, шунингдек, аризачи томонидан қайта кўриш масаласи қўйилган суд ҳужжатини, агар ушбу суд ҳужжатини қайта кўриш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бекор қилади. Бундай ҳолда иш суд ҳужжати бекор қилинган судга мазмунан кўриш учун юборилади.

15. Агар юқори инстанция суди суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни кўришда ушбу ажримни асоссиз эканлиги ҳақида хулосага келса, уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва шу билан бирга суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни рад қилади.

Агар суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест) кўрилаётган пайтда иш бўйича янги суд ҳужжати чиқарилган бўлса, у ҳам бекор қилиниши лозим.

16. Агар янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган суд ҳужжати тўлиқ ёки қисман ижро этилган, иш янгидан кўрилганда эса, бошқа ҳал қилув қарори қабул қилинган ҳолда, суд ФПК 459-моддасига мувофиқ суд ҳужжатининг қайтарма ижроси масаласини ҳал этиши шарт. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси масаласи суд томонидан ФПК 461-моддасида назарда тутилган, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича қайтарма ижронинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,

Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

24 декабря 2019 год

№ 25

город Ташкент

**О применении судами законодательства, регламентирующего
пересмотр вступивших в законную силу судебных актов по
гражданским делам по вновь открывшимся обстоятельствам**

В связи с вопросами, возникающими у судов при применении норм главы 47 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — ГПК) о пересмотре по вновь открывшимся обстоятельствам судебных актов, вступивших в законную силу, а также в целях обеспечения правильного применения законодательства по данному вопросу, руководствуясь статьей 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПО С Т А Н О В Л Я Е Т :

1. Разъяснить, что вступившее в законную силу решение суда первой инстанции может быть пересмотрено по вновь открывшимся обстоятельствам судом, принявшим это решение.

Исходя из положений главы 47 ГПК, иные акты суда первой инстанции, которыми дело не разрешено по существу (например, определения об отказе в принятии заявления или о возвращении искового заявления, об оставлении заявления без рассмотрения или прекращения производства по делу, о восстановлении или об отказе в восстановлении процессуального срока, о разъяснении решения суда, частное определение), пересмотру по вновь открывшимся обстоятельствам не подлежат.

Суды апелляционной, кассационной, надзорной инстанций вправе пересмотреть вынесенные ими определения, постановления по вновь открывшимся обстоятельствам в случае, когда ими было изменено ре-

шение суда первой инстанции либо принято новое решение (статья 438 ГПК).

2. Правом на обращение в суд с заявлением о пересмотре вступившего в законную силу решения, определения или постановления (далее — судебного акта) по вновь открывшимся обстоятельствам обладают участвующие в деле лица, а также прокурор.

Поскольку в соответствии со статьей 47 ГПК правопреемство возможно на любой стадии гражданского судопроизводства, право на обращение с заявлением о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта принадлежит также процессуальным правопреемникам лиц, участвующих в деле.

Лица, не привлеченные к участию в деле, не обладают правом на подачу заявления о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам. В случае, если вступивший в законную силу судебный акт затрагивает вопрос о

правах и обязанностях указанных лиц, они вправе обратиться с жалобой о проверке судом вышестоящей инстанции законности, обоснованности и справедливости судебного акта.

3. Заявление о пересмотре судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам, подается в суд в письменной форме либо в виде электронного документа, подписывается подающим его лицом или его представителем с приложением надлежаще оформленной доверенности, подтверждающей полномочия представителя.

Заявление о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам должно содержать:

- 1) наименование суда, в который подается заявление;
- 2) фамилию, имя и отчество (наименование) лиц, участвующих в деле, их место жительства (местонахождение) и почтовый адрес;
- 3) наименование суда, при-

нявшего судебного акт, пересмотр которого по вновь открывшимся обстоятельствам требует заявитель, номер дела, дата принятия судебного акта;

4) указание на вновь открывшееся обстоятельство, являющееся по мнению заявителя основанием для пересмотра судебного акта,

со ссылкой на документы или иные доказательства, подтверждающие это обстоятельство;

5) требование лица, подающего заявление;

6) перечень прилагаемых документов.

К заявлению, подаваемому в суд апелляционной, кассационной или надзорной инстанции, прилагаются заверенные соответствующим судом копии принятых по делу судебных актов.

При подаче заявления о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам государственная пошлина не оплачивается.

4. Обратить внимание судов, что пропуск предусмотренного частью первой статьи 439 ГПК трехмесячного срока, сам по себе не может служить основанием для возвращения заявления о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта в порядке главы 47 ГПК либо для отказа в его принятии.

По ходатайству лица, обратившегося с заявлением, вопрос о соблюдении указанного срока суду необходимо обсуждать в судебном заседании при условии, что ходатайство подано не позднее шести месяцев со дня открытия обстоятельств, являющихся основанием для пересмотра судебного акта.

При этом следует иметь в виду, что пропуск срока обращения в суд без уважительных причин является самостоятельным основанием для отказа в удовлетворении указанного заявления, что должно быть мотивировано в определении суда.

При решении вопроса о восстановлении срока на обращение в суд необходимо учитывать не только уважительность причин его пропуска, но и своевременность подачи заявления

о пересмотре судебного акта после того, как заявитель узнал или должен был узнать о наличии вновь открывшихся обстоятельств.

5. При исчислении срока обращения в суд с заявлением о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам, надлежит руководствоваться статьей 440 ГПК, имея в виду, что срок для подачи заявления исчисляется:

1) в случаях, предусмотренных пунктом 1 части второй статьи 437 ГПК, — со дня открытия обстоятельств, имеющих существенное значение для дела;

2) в случаях, предусмотренных пунктами 2 и 3 части второй статьи 437 ГПК, — со дня вступления в законную силу приговора суда;

3) в случаях, предусмотренных пунктом 4 части второй статьи 437 ГПК, — со дня вступления в законную силу приговора, решения, определения, постановления суда или постановления иного органа, противоположного по своему содержанию решению, определению либо постановлению, на которых было основано пересматриваемое решение, определение или постановление.

6. Рассмотрение заявления о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта осуществляется по правилам производства в суде соответствующей инстанции с учетом положений главы 47 ГПК.

После принятия заявления суд назначает время и место судебного заседания и извещает об этом участвующих в деле лиц. Неявка лиц, надлежащим образом извещенных о времени и месте судебного заседания, не является препятствием для его проведения.

В соответствии со статьей 442 ГПК суд рассматривает указанное заявление в судебном заседании, исследует доказательства, представленные в подтверждение наличия по делу вновь открывшихся обстоятельств, заслушивает объяснения участвующих в деле лиц, совершает иные необходимые

процессуальные действия, которые подлежат отражению в протоколе судебного заседания.

7. Заявление о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта рассматривается в судебном заседании в срок, не превышающий одного месяца со дня его поступления в суд соответствующей инстанции.

8. Перечень оснований для пересмотра вступивших в законную силу судебных актов по вновь открывшимся обстоятельствам, содержащийся в части второй статьи 437 ГПК, является исчерпывающим. Исходя из нормы закона, предусмотренной в части второй данной статьи, вновь открывшиеся обстоятельства могут являться основанием для пересмотра судебного акта лишь в случаях, если они имеют существенное значение для правильного разрешения дела.

9. Вновь открывшимися обстоятельствами, указанными в пункте 1 части второй статьи 437 ГПК, являются относящиеся к делу фактические обстоятельства, объективно имевшие место на время рассмотрения дела и способные повлиять на существо принятого судебного акта, о которых не знал и не мог знать заявитель, а также суд при вынесении данного акта. При этом необходимо иметь в виду, что представленные заявителем новые доказательства по делу не могут служить основанием для пересмотра судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам.

10. Судам следует иметь в виду, что установленные вступившим в законную силу приговором заведомо ложное показание свидетеля, заведомо ложное заключение эксперта, заведомо неправильный перевод, подложность документов либо вещественных доказательств, являются основанием для пересмотра судебного акта, если они повлекли принятие незаконного, необоснованного или несправедливого решения (пункт 2 части второй статьи 437 ГПК).

Преступления сторон, других лиц, участвующих в деле, их

представителей, преступления судей, совершенные при рассмотрении и разрешении дела и установленные вступившим в законную силу приговором (пункт 3 части второй статьи 437 ГПК), являются основанием для пересмотра судебного акта независимо от того, повлияли ли эти обстоятельства на результат рассмотрения дела.

Обстоятельства, указанные в абзацах первом и втором настоящего пункта, установленные определением суда, постановлением дознавателя, следователя или прокурора о прекращении уголовного дела по не реабилитирующим основаниям, также могут служить основанием для пересмотра судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам, если суд признает эти обстоятельства существенными для дела (пункт 1 части второй статьи 437 ГПК).

11. Судам необходимо учитывать, что основанием для пересмотра судебных актов по вновь открывшимся обстоятельствам могут являться также обстоятельства, возникшие после принятия судебного акта (пункт 4 части второй статьи 437 ГПК).

При рассмотрении заявлений о пересмотре судебных актов по этим обстоятельствам, необходимо учитывать следующее:

в случае, когда поводом для обращения в суд явилась отмена судебного акта либо постановления иного органа, послужившего основанием для принятия судебного акта, о пересмотре которого поставлен вопрос, необходимо проверять, повлияла ли отмена акта суда либо постановления иного органа на результат рассмотрения дела;

если мотивом обращения в суд явилось признание вступившим в законную силу решением суда недействительной сделки, повлекшей принятие незаконного или необоснованного судебного акта по данному делу, то это обстоятельство может служить основанием для пересмотра судебного акта при наличии вывода о признании

недействительной оспоримой или ничтожной сделки либо о применении последствий недействительности ничтожной сделки в резолютивной и (или) мотивировочной части решения суда по другому делу.

12. По результатам рассмотрения заявления о пересмотре судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам суд выносит определение об удовлетворении заявления и отменяет судебный акт либо отказывает в его пересмотре (статья 443 ГПК). Копия определения вручается под расписку лицам, участвующим в деле, или направляется им по почте либо в виде электронного документа.

Удовлетворение судом первой, апелляционной, кассационной либо надзорной инстанции заявления о пересмотре судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам является основанием для повторного рассмотрения дела соответствующим судом по правилам, установленным ГПК для суда данной инстанции (статья 445 ГПК).

13. На определение, вынесенное судом первой инстанции в порядке главы 47 ГПК, может быть подана частная жалоба (протест) в суд апелляционной или кассационной инстанции.

Определения, постановления, вынесенные по результатам рассмотрения заявления о пересмотре судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам судом апелляционной, кассационной либо надзорной инстанции вступают в законную силу со дня их вынесения и могут быть обжалованы (опротестованы) в порядке надзора.

14. При удовлетворении частной жалобы (протеста) на определение суда первой инстанции об отказе в пересмотре судебного акта в порядке главы 47 ГПК суд апелляционной или кассационной инстанции

отменяет данное определение, а также судебный акт, о пересмотре которого ставился вопрос заявителем, если имелись предусмотренные законом основания для пересмотра данного судебного акта. Дело в указанном случае направляется в суд, судебный акт которого отменен, для рассмотрения по существу.

15. В случае, если суд вышестоящей инстанции при рассмотрении жалобы (протеста) на определение об удовлетворении заявления о пересмотре судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам придет к выводу

о необоснованности данного определения, он принимает решение о его отмене и одновременно отказывает в пересмотре судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам.

Если ко времени рассмотрения жалобы (протеста) на определение суда об удовлетворении заявления о пересмотре судебного акта по делу вынесен новый судебный акт, то он также подлежит отмене.

16. В случае, если судебный акт, отмененный по вновь открывшимся обстоятельствам, исполнен полностью или частично, а при новом рассмотрении дела принято другое решение, суд в соответствии со статьей 459 ГПК обязан решить вопрос о повороте исполнения судебного акта. Вопрос о повороте исполнения судебного акта, разрешается судом с учетом особенностей поворота исполнения по отдельным категориям дел, предусмотренных статьей 461 ГПК.

17. Суду Республики Каракалпакстан по гражданским делам, областным и Ташкентскому городскому судам по гражданским делам следует регулярно обобщать судебную практику по пересмотру вступивших в законную силу судебных актов по вновь открывшимся обстоятельствам.

**Председатель Верховного суда
Республики Узбекистан**

К. КАМИЛОВ

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

И. АЛИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2019 йил 24 декабрь

№ 24

Тошкент шаҳри

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилиниши, шунингдек, судлар томонидан маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 4-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахс, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, прокурор, шунингдек, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ваколатли айрим фуқаролар ва давлат органлари маъмурий орган қарорини ҳақиқий эмас ва унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан, башарти, бу қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли унинг:

ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган;

ҳуқуқлари, эркинликларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини амалга оширишда тўсқинлик яратилган;

зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклатилган;

у ёки бу соҳадаги фаолиятини амалга ошириш учун бошқа тўсқинлик яратилган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли.

2. Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, маъмурий-бошқарув ваколати берилган бошқа ташкилотлар ва махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилади.

3. Маъмурий органлар мансабдор шахслари деганда, ҳокимият вакили вазифасини бажарадиган ёхуд мазкур органларда маъмурий-бошқарув (ташкилий-фармойиш бериш) вазифасини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушунилади.

4. Манфаатдор шахс деганда, маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл этган бошқа шахс тушунилади.

5. Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегиял тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин.

6. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг

ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Ҳаракатсизлик деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқ-номалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик тушунилади.

7. Судларга тушунтирилсинки, қонун ҳужжатларига кўра текширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатига кирадиган давлат органлари қарорлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят беришнинг бошқача тартиби назарда тутилган қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) МСИЮТК 23-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилмайди.

Хусусан, маъмурий органлар мансабдор шахсларининг жиноят иши ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юртиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шу билан бирга, судлар шуни назарда тутиши лозимки, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахсларининг ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлари ва ҳаракатлари МСИЮТК 23-бобида назарда тутилган тартибда низолашилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал қилинадиган масалалар бундан мустасно.

8. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органларнинг куйидагилар билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар МСИЮТК 23-бобида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади:

бино, иншоот ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш ва бузишга келишиш ва рухсат бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар);

жамоат бирлашмалари, шу жумладан, сиёсий партиялар, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, давлат органининг белгиланган муддатда бундай рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши ("Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг учинчи қисми, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси);

оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки давлат органининг белгиланган муддатда уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши, оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш, оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ("Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддалари);

фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш ("Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси).

9. Давлат ижрочисининг қарори, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан МСИЮТК 23-бобида назарда тутилган тартибда шикоят қилинади, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича чиқарилган қарорлар бундан мустасно ("Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 86¹-моддасининг биринчи қисми).

10. Судларга тушунтирилсинки, ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қақирув комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилади ("Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддаси, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг тўққизинчи қисми).

11. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаси ёки мансабдор шахсга нисбатан талаб қўйилганда, суд МСИЮТК 42-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича жавобгар сифатида тегишли органни жалб этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак.

Судга махсус комиссиянинг қарори устидан шикоят қилинганда, иш бўйича жавобгар сифатида махсус комиссиянинг ишчи органи бўлган давлат органи жалб этилиши лозим.

Агар иш ҳал қилингунга қадар маъмурий орган қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий ворисини ёки аризаچининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга бўлган органни

ишда иштирок этишга жалб қилади.

Агар иш кўриб чиқиладиган вақтга келиб қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шикоят қилинадиган шахс мансабдор шахс бўлмай қолган бўлса, суд ушбу мансабни эгаллаб турган шахсни ёхуд аризачининг бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга тегишли органни ишда иштирок этиш учун жалб этиш масаласини ҳал қилади.

12. Аризачи ариза (шикоят) билан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи орган ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли. Юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга дастлаб мурожаат қилмаслик, аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш учун асос бўлмайди.

Шу билан бирга, шуни назарда тутиш лозимки, қонун ҳужжатларида айрим қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан мажбурий равишда судгача низолашиш тартиби назарда тутилиши мумкин.

13. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) низолашилаётган орган жойлашган ёхуд мансабдор шахс ишлайдиган жойдаги туман (шаҳар) маъмурий судига берилади.

Турли жойларда бўлган бир нечта жавобгарга нисбатан талаб қўйилганда, ариза (шикоят) аризачининг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган жойдаги судга тақдим этилади.

Агар маъмурий орган жойлашган жой унинг ваколати амалга ошириладиган ҳудудга тўғри келмаса, ариза ўша орган ўз мажбуриятларини бажараётган жойда фаолият кўрсатаётган судга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида қонун билан унинг ваколатига киритилган ишларни кўриб чиқади.

14. Қарорни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳаракатни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) МСИЮТК 128, 187-моддаларига мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланган бўлиши лозим.

Ариза (шикоят) шакли ва мазмунига нисбатан МСИЮТК 187-моддасида белгиланган талабларни инобатга олиб, унда жумладан, қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қандай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилинадиганлиги;
маъмурий органнинг номи;
мансабдор шахснинг фамилияси ва исм-ша-
рифининг бош ҳарфлари;
қарорнинг реквизитлари;
аризачининг аниқ қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бу-

зилганлиги;

аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинадиган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қайси қонун ҳужжатида зид эканлиги;

шунга ўхшаш шикоят бўйсунув тартибида юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга берилган-берилмаганлиги ва агар берилган бўлса, қандай жавоб олинганлиги.

15. Аризага (шикоятга) МСИЮТК 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, низолашилаётган қарор нусхаси илова қилинади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, МСИЮТК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, аризага қарорни илова қилмаслик аризани қайтаришга асос бўлмайди. Суд низолашилаётган қарорни аризачининг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан маъмурий органдан талаб қилиб олишга ҳақли.

16. МСИЮТК 92-моддасига кўра, суд аризачининг ёки манфаати борасида ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса ва бундай чораларни кўрмай туриб, уларни ҳимоя қилиш мумкин бўлмаган ёхуд қийин бўлган ҳолларда дастлабки ҳимоя чораларини кўришга ҳақли.

Агар низолашилган қарор ижросининг мажбурий тўхтатиб турилиши қонунда назарда тутилган бўлса (масалан, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг учинчи қисми, "Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси), судья аризачи судга мурожаат қилганлиги муносабати билан низолашилаётган қарорнинг бажарилиши маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан тўхтатилган-тўхтатилмаганлигини текшириши шарт. Агар бу амалга оширилмаган бўлса, суд суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар мазкур қарорнинг ҳаракатини тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқариши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий орган мансабдор шахсининг фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ва аҳоли ҳаёти ва соғлиғига реал хавф соладиган бошқа ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

17. МСИЮТК 67-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, мазкур тоифага оид ишлар бўйича низолашилаётган қарорнинг, ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган ёки низолашилаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилади.

Ишни тўғри ҳал қилиш мақсадида, суд ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олишга ҳақли. Суднинг ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талабини бажармаганли-

ги учун тегишли орган мансабдор шахси суд томонидан жаримага тортилиши мумкин (МСИЮТК 122-моддаси).

18. Шуни назарда тутиш лозимки, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш тўғрисидаги ишларни кўришда, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашга ҳақли эмас ва фақат МСИЮТК ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда назарда тутилган муддатларгагина асосланиши керак.

19. Аризанинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни ўтказиб берилиши уни қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилиши лозим.

Суд ҳар бир иш бўйича аризачи томонидан қонун билан белгиланган судга мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганлигини аниқлаши, мазкур муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганлигидан қатъи назар, уларнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш муддати аризачига қуйидагилар маълум бўлган куннинг эртасидан бошланади:

унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги; унинг зиммасига бирор-бир мажбурият юкланганлиги.

Судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилиниши масаласи ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолат эканлиги сабабли, уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги хулосалар, МСИЮТК 156-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, суднинг ҳал қилув қарорида асосланрилиши лозим.

Агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилинади.

20. Ишни мазмунан кўриб чиқишда, суд аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни, хусусан, қуйидагиларни синчковлик билан текшириши лозим:

маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини. Қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик маъмурий орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига берилган ҳолда, суд бундай қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик мақсадга мувофиқлигини баҳолашга ҳақли эмас (масалан,

муайян шахсни мукофотлаш тўғрисида ҳужжат қабул қилмаганликда ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда);

маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, башарти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай талаблар (шакл, муддатлар, асослар, тартиб-тамоийил ва ҳ.к.) белгиланган бўлса. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти, бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин;

низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини.

Қабул қилинган қарорлар, содир этилган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) ноқонунийлиги ҳақида далолат берувчи юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда биттасининг мавжудлиги аризани (шикоятни) қаноатлантиришга асос бўлиши мумкин.

21. МСИЮТК 189-моддасига мувофиқ, суд низолашилаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ва аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, маъмурий орган, унинг мансабдор шахси қарорини тўлиқ ёки муайян қисмини ҳақиқий эмас, ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аризани (шикоятни) қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилишда, суд арз қилинган талаблар доирасидан четга чиқишга ҳақли эмас. Масалан, ёзма мурожаатни мансабдор шахс томонидан белгиланган муддатда кўрилмаганлигида ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда, суд мазкур мансабдор шахснинг ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиши ва қандай қарор қабул қилиниши кераклиги ҳақидаги масалани олдиндан ҳал этмасдан, унга суд томонидан белгиланган муддатда аризачининг мурожаатини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаши лозим.

22. Иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилишда, суд МСИЮТК 189-моддасида мавжуд хусусиятларни инобатга олган ҳолда МСИЮТК 19-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга амал қилиши лозим.

23. Ариза (шикоят) қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

низолашилаётган қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, қарорнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси;

қарор тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилганлиги ва зарур ҳолларда, аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ ҳажмда тиклаш ёки уларни амалга оширишдаги тўсқинликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилганлиги;

ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилганлиги ва маъмурий орган ёки мансабдор шахсга аризачига нисбатан аниқ ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юклатилганлиги.

Ҳал қилув қарорида суд ишнинг хусусияти ва амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инobatга олган ҳолда аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини тўлиқ ҳажмда бартараф этиш учун тегишли муддат белгилаши лозим (МСИЮТК 189-моддасининг бешинчи қисми).

24. Қонунда маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишлар бўйича суд харажатларига нисбатан қандайдир истиснолар белгиланмаганлиги сабабли, иш бўйича қилинган суд харажатлари масаласи суд томонидан МСИЮТК 12-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳал этилади.

25. Судларга тушунтирилсинки, МСИЮТК 276-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, қарорни ҳақиқий эмас ёки ҳаракатни қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги суд ҳужжатининг ижроси маъмурий органга юбориладиган суднинг ҳал қилув қарори (қарори) асосида

амалга оширилиб, унда йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф этиш учун муддат кўрсатилиши лозим.

Пул маблағларини, шу жумладан, суд харажатларини ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг мажбурий ижроси юзасидан ижро варақаси берилади.

Судлар ҳал қилув қарорининг ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши ва унинг ижроси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда, ахборот талаб қилиб олиши лозим.

26. Агар ишни кўришда маъмурий органлар ёки мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланса, суд бунга нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши лозим.

27. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 18-сонли қарори ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,

Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

24 декабря 2019 год

№ 24

город Ташкент

О судебной практике по рассмотрению дел об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов и их должностных лиц

В связи с принятием Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве, а также в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм закона при рассмотрении судами дел об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов и их должностных лиц, руководствуясь статьей 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. В соответствии со статьей 44 Конституции Республики Узбекистан и статьи 4 Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве (далее — КоАС) заинтересованное лицо, а в предусмотренных законом случаях прокурор, а также государственные органы и отдельные граждане, правомочные действовать в защиту прав и интересов других лиц, вправе обратиться в суд с заявлением (жалобой) о признании недействительным решения, незаконным действия (бездействия) административного органа и его должностного лица, если полагает, что этим решением, действием (бездействием):

нарушены его права и охраняемые законом интересы;

созданы препятствия к осуществлению его прав, свобод и реализации законных интересов;

10. Судам следует иметь в виду, что перечень оснований для возвращения апелляционной, кассационной жалобы (протеста), предусмотренный в части первой статьи 269 и в части первой статьи 292 ЭПК, является исчерпывающим и расширительному толкованию

не подлежит.

11. Судам необходимо обратить внимание, что к жалобе (протесту) на определение об отказе в принятии или возвращении искового заявления должны быть приложены возвращенное исковое заявление и приложенные к ней документы, а к кассационной жалобе (протесту) на определение об отказе в принятии или возвращении апелляции жалобы (протеста) — возвращенная жалоба (протест) и приложенные к ней документы.

Не соблюдение данных требований не является основанием для возвращения жалобы (протеста). В этом случае, судья принимает жалобу (протест) к производству и предлагает заявителю представить указанные документы.

12. Вопрос принятия, отказа в принятии к производству, возвращения апелляции жалобы (протеста) разрешается судьей единолично не позднее пяти дней со дня ее поступления вместе с делом в суд (часть первая статьи 266 ЭПК, часть первая статьи 289 ЭПК).

В случае вынесения определения об отказе в принятии или возвращении апелляции жалобы (протеста), копия определения направляется лицу, подавшему жалобу (протест), вместе с жалобой (протестом) и прилагаемыми документами. Копия жалобы (протеста) приобщается к делу.

13. Жалоба (протест), поданная с соблюдением требований к ее форме и содержанию, установленных ЭПК, принимается к производству суда апелляции, кассационной инстанции. В определении о принятии жалобы (протеста) к производству указываются время и место проведения судебного заседания по рассмотрению жалобы (протеста).

Определение направляется лицам, участвующим в деле, прокурору, подавшему протест, а также подавшему жалобу лицу, не привлеченному к участию в деле, о правах и обязанностях, которого суд принял

решение.

14. После принятия жалобы (протеста) к производству, все последующие судебные акты принимаются коллегиально.

15. Разъяснить судам, что в соответствии с частью первой статьи 50 ЭПК государственные органы и иные лица (например, Торгово-промышленная палата, Советы фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель и т.п.), вправе обжаловать в апелляции, кассационном порядке судебный акт лишь в том случае, если иск предъявлен ими.

В других случаях подачи ими такой жалобы, она подлежит отказу в принятии на основании пункта 1 части первой статьи 268, пункта 1 части первой статьи 291 ЭПК.

16. Если жалоба (протест) подана на судебный акт, который в соответствии с законодательством не может быть обжалован (опротестован) в апелляции или кассационном порядке, жалоба (протест) подлежит отказу в принятии на основании пункта 2 части первой статьи 268, пункта 2 части первой статьи 291 ЭПК.

Следует иметь в виду, что согласно ЭПК, не подлежат апелляции или кассационному обжалованию (опротестованию) определения: о результатах рассмотрения вопроса о самоотводе или отводе судьи, прокурора, эксперта, специалиста, секретаря судебного заседания, переводчика (статья 23 ЭПК); о передаче дела в другой экономический суд

по подсудности (статья 39 ЭПК); о замене ненадлежащего ответчика (статья 45 ЭПК); о привлечении третьих лиц к участию в деле (статьи 47, 48 ЭПК); о привлечении специалиста к участию в судебном заседании (статья 57 ЭПК); об истребовании доказательств и осмотре доказательств в месте их нахождения (статья 69, 70 ЭПК); о возвращении вещественных доказательств (статья 79 ЭПК); о назначении экспертизы или об отклонении ходатайства о назначении экспертизы (статья 80 ЭПК); о судеб-

ном поручении (статья 91 ЭПК); об исполнении судебного поручения (статья 92 ЭПК); о возобновлении производства по делу (статья 106 ЭПК); о восстановлении процессуальных сроков (статья 123 ЭПК); о продлении или об отказе в продлении процессуального срока (статья 124 ЭПК); об отказе в утверждении мирового соглашения (статья 134); об отмене судебного приказа (статья 147 ЭПК); о принятии искового заявления к производству и возбуждении дела (статья 153 ЭПК); о принятии либо отказе в принятии изменения основания или предмета иска, увеличения или уменьшения размера исковых требований, полного либо частичного отказа истца от иска (статья 157 ЭПК); об объединении дел (статья 158 ЭПК); о выделении части требований в отдельное производство (статья 159 ЭПК); о принятии встречного иска (статья 161 ЭПК); о подготовке дела к судебному разбирательству (статья 162 ЭПК); о разрешении заявлений и ходатайств лиц, участвующих в деле (статья 169 ЭПК); об отложении судебного разбирательства (статья 171 ЭПК); об отказе в принятии дополнительного решения (статья 189 ЭПК); о принятии заявления о пересмотре вступившего в законную силу судебного акта по вновь открывшимся обстоятельствам к производству (статья 330 ЭПК), а также судебный приказ (статья 143 ЭПК) и исполнительный лист (статья 336 ЭПК).

17. В определении об отказе в принятии к производству жалобы (протеста) в связи с пропуском срока на подачу жалобы (протеста), в восстановлении которого отказано (пункт 4 части первой статьи 268, пункт 4 части первой статьи 291 ЭПК), должны быть обоснованы причины отказа в восстановлении пропущенного срока, а в резолютивной части определения должны быть указаны об отказе в восстановлении пропущенного срока.

В определении об отказе в принятии к производству жа-

лобы должны быть также указаны о возврате государственной пошлины, уплаченной при подаче жалобы, и о выдаче об этом справки.

18. Разъяснить судам, что указание в жалобе фамилии лица, подписавшего его, и начальных букв имени или имени и отчества, не является основанием для возвращения жалобы на основании пункта 1 части первой статьи 269 и пункта 1 части первой статьи 292 ЭПК, а если жалоба принята к производству - для оставления ее без рассмотрения на основании части первой статьи 272 и части первой статьи 295 ЭПК.

Апелляционная, кассационная жалоба (протест) может быть подтверждена электронной цифровой подписью. Электронная цифровая подпись в жалобе (протесте) равнозначна собственноручной подписи.

При этом, обратить внимание судов, что подлинность электронной цифровой подписи подтверждается в информационной системе Верховного суда Республики Узбекистан и не подтверждение подлинности электронной цифровой подписи в информационной системе Верховного суда Республики Узбекистан является основанием для оценки жалобы (протеста) как не подписанной.

19. Согласно требований ЭПК, если жалоба (протест) направлена минуя суд, принявший решение, жалоба (протест) возвращается судом апелляционной, кассационной инстанции. Судам следует иметь в виду, что, если жалоба (протест) возвращена по указанному основанию, в определении должно быть указано о необходимости подачи жалобы через суд, принявший решение.

20. Судам следует иметь в виду, что при наличии нескольких оснований для возвращения жалобы (протеста), в определении суда должны быть указаны каждый из этих оснований и право лица, подавшего жалобу (протест), на повторное обращение в суд с

апелляционной, кассационной жалобой (протестом) в общем порядке после их устранения.

21. Разъяснить судам, что в случае, если отзыв на апелляционную, кассационную жалобу (протест) подан после истечения срока, указанного в части первой статьи 270 и части первой статьи 293 ЭПК, но до принятия окончательного решения по жалобе (протесту), данный отзыв должен быть принят и дана ему соответствующая оценка.

22. При разрешении вопроса о приостановлении исполнения решения на основании ходатайства, поданного в соответствии с частью первой статьи 271 и частью первой статьи 294 ЭПК, судам апелляционной и кассационной инстанции следует изучить обстоятельства дела и доводы, изложенные в ходатайстве. В случае, если суд придет к выводу, об обоснованности доводов заявителя, он вправе удовлетворить такое ходатайство.

Исполнение судебного акта может быть приостановлено до окончания производства по делу в апелляционной, кассационной инстанции. В этом случае судам следует иметь в виду, если по результатам рассмотрения жалобы (протеста) решение оставлено в силе, о продолжении (возобновлении) его исполнения отдельный документ не принимается.

23. В судах апелляционной и кассационной инстанций применяются правила о приостановлении производства по делу, предусмотренные в статьях 101 и 102 ЭПК.

При этом судам необходимо иметь в виду, что в случаях, предусмотренных в статье 101 ЭПК, суд обязан приостановить производство по делу. При наличии же оснований, перечисленных в статье 102 ЭПК, вопрос о приостановлении производства по делу решается судом в зависимости от конкретных обстоятельств дела. При применении нормы, предусмотренной в пункте 1 части первой статьи 101 ЭПК, следует иметь в виду, что суд обязан приостановить производ-

ство по делу в случае невозможности рассмотрения данного дела до принятия решения по другому делу или вопросу, рассматриваемым в порядке конституционного, гражданского, уголовного или административного судопроизводства. При наличии указанных обстоятельств рассмотрению данного дела, производство по делу не может быть приостановлено.

24. В случае отказа от жалобы (протеста) производство по апелляционной, кассационной жалобе (протесту) прекращается.

Прекращение производства по протесту в связи с его отзывом не лишает других лиц, участвующих в деле, права подать апелляционную, кассационную жалобу в сроки, установленные законом.

25. Судам следует иметь в виду, если юридическое лицо, являющееся стороной в деле, ликвидировано до принятия судебного акта судом апелляционной, кассационной инстанции, производство по апелляционной, кассационной жалобе (протесту) прекращается на основании пункта 6 части первой статьи 273 и пункта 6 части первой статьи 296 ЭПК.

Если в ходе рассмотрения дела в суде апелляционной, кассационной инстанции будет установлено, что юридическое лицо, являющееся стороной в деле, ликвидировано до принятия судом первой инстанции судебного акта, то по этому основанию прекращение производства по жалобе (протесту) не допускается. В этом случае судебный акт подлежит отмене, а производство по делу — прекращению на основании пункта 4 статьи 110 ЭПК.

26. В соответствии с частью второй статьи 273 и частью второй статьи 296 ЭПК, в случае, если в апелляционной, кассационной жалобе (протесте) заявлены новые требования, которые не были предметом рассмотрения в суде первой инстанции, суд апелляционной, кассационной инстан-

ции прекращает производство по жалобе (протесту) в части этих требований.

Под новыми требованиями следует понимать нерассмотренные судом первой инстанции материально-правовые требования, а также требования, предъявленные к лицу, не принимавшему участие в суде первой инстанции.

27. Суд апелляционной, кассационной инстанции рассматривает дело в судебном заседании по правилам рассмотрения дела судом первой инстанции с учетом особенностей, установленных главами 34 и 35 ЭПК.

В суде апелляционной, кассационной инстанций не применяются, в частности, правила о привлечении к участию в деле другого ответчика (статья 44 ЭПК), о замене ненадлежащего ответчика (статья 45 ЭПК), о привлечении к участию в деле третьих лиц (статьи 47, 48 ЭПК), об изменении предмета или основания иска, изменении размера исковых требований (статья 157 ЭПК), об объединении дел в одно производство (статья 158 ЭПК), о выделении части требований в отдельное производство (статья 159 ЭПК), о предъявлении встречного иска (статья 161 ЭПК), а также другие правила, установленные законом только для суда первой инстанции.

28. Неявка в заседание суда апелляционной, кассационной инстанции лица, подавшего жалобу (протест), и других лиц, участвующих в деле, надлежаще извещенных о времени и месте проведения судебного разбирательства, не препятствует рассмотрению дела в их отсутствие.

Исходя из обязательности участия прокурора в судебном заседании по делам, возбужденным в интересах общества или государства, определение суда о времени и месте проведения судебного заседания по таким делам должно быть направлено прокурору в порядке, установленном законом.

29. Судам следует иметь в виду, что апелляционная, кассационная жалоба (протест)

должна быть рассмотрена в сроки, предусмотренные частью первой статьи 277 и частью первой статьи 300 ЭПК.

В исключительных случаях срок рассмотрения апелляционной, кассационной жалобы (протеста) может быть продлен председателем суда, но не более чем на один месяц.

Исходя из требования статьи 171 ЭПК, только при наличии установленных данной нормой оснований судебное разбирательство по апелляционной, кассационной жалобе (протесту) может быть отложено на срок не более десяти дней.

Следует иметь в виду, что количество отложений судебного разбирательства не может превышать трех раз.

30. При применении норм пункта 5 статьи 278 и пункта 3 статьи 301 ЭПК судам следует иметь в виду, что по данному основанию допускается направление дела на новое рассмотрение лишь в случае принятия судом решения о правах и обязанностях лиц, не привлеченных к участию в деле.

31. Под изменением решения суда следует понимать внесение изменений в мотивировочную и (или) резолютивную часть решения.

Под новым решением следует понимать принятие судом апелляционной, кассационной инстанции решения, которое существенно меняет вывод суда о правах и обязанностях сторон.

32. Судам апелляционной, кассационной инстанций необходимо обратить внимание, что основания для изменения или отмены решения суда первой инстанции установлены в статьях 279 и 302 ЭПК. При этом, судам следует иметь в виду, что применение судом первой инстанции актов законодатель-

ства, утративших силу, также расценивается как неправильное применение норм материального права.

Вместе с тем, следует иметь в виду, что в некоторых законодательных актах может быть предусмотрено применение актов законодательства, действующего на момент возникновения отношений.

В этом случае, применение судом утратившего свою силу или измененного акта законодательства не является неправильным применением норм материального права.

33. Постановление суда апелляционной, кассационной инстанции должно соответствовать требованиям статьей 280 и 303 ЭПК.

В постановлении суда апелляционной, кассационной инстанции должна быть дана оценка каждому доводу, содержащемуся в жалобе (протесте).

Если не приведенный в исполнение судебный акт отменен или изменен и принят новый судебный акт о полном или частичном отказе в иске или производство по делу прекращено, либо иск оставлен без рассмотрения, в резолютивной части постановления суда апелляционной, кассационной инстанции указывается о полном или частичном прекращении взыскания по отмененному или измененному в соответствующей части судебному акту.

34. Судам апелляционной и кассационной инстанций следует обратить внимание, что подача и рассмотрение жалобы (протеста) на определение суда первой инстанции в апелляционном, кассационном порядке осуществляется по правилам, предусмотренным главами 34 и 35 ЭПК для подачи и рассмотрения апелляционной, кассационной жалобы (протеста) на решение суда.

**Председатель
Верховного суда
Республики Узбекистан**

К. КАМИЛОВ

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

И. АЛИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 30 январь

№ РС-01-20

Тошкент шаҳри

Судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 4-иловага му-

вофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналы таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журналы ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси **К. КАМИЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 2-бандига кўра, Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан ҳар чорак якунида судлов ҳайъатларининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг (бундан буён матнда судлов ҳайъати деб юритилади) ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ҳисобот даврида жами 15 454 та назорат шикоят (протести) келиб тушган.

Улардан 10 499 та шикоятни судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1 та протест чақириб олинган, 2 305 та шикоят ҳисобот даврининг охирида қолдиқда қолган.

1 486 та шикоят (протест) жиноят ишла-

ри бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Шундан 1 408 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 79 та шикоят (протест) рад қилинган.

Жумладан, 981 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида кўриш учун юборилган, 213 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилган, 204 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 8 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазодан озод қилинган, 218 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилмай жазо чораси камайтирилган, 48 нафар шахснинг малакаси ўзгартирилмай жазодан озод қилинган, 19 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисмида белгиланган асосларда, 81 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари эса, бошқа асосларга кўра, ўзгартирилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади), Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

1. Суд томонидан иш ҳолатлари атрофлича ва тўлиқ ўрганилмасдан, ишда тўпланган далилларга тўғри ҳуқуқий баҳо берилмасдан судланувчининг талончилик жиноятини содир қилганлиги тўғрисида барвақт хулосага келинганлиги суд ажримининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2008 йил 1 февралдаги ҳукмига кўра, Ш.Д. Жиноят кодексининг 167-моддаси учинчи қисми "а", "в" бандлари, 177-моддаси учинчи қисми "а" банди, 206-моддаси иккинчи қисмининг "а", "б", "в" бандлари, 209-моддаси иккинчи қисми "б" банди, 207-моддаси биринчи қисми билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 12 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Д. "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖ раиси лавозимида ишлаб келиб, бошқа шахслар билан уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖ пахта ёғи омбор мудири Х.Ж.га ҳар ойда ортиқча ишлаб чиқарилган пахта ёғини юқори нархларда сотиб, сотувдан тушган пулларни қонунга хилоф равишда чет эл валютасига алмаштириб олиб келиб бериш тўғрисида топшириқ берган ва ушбу топшириқ бўйича Х.Ж. ҳар ойда жуда кўп миқдордаги пулларни қонунга хилоф равишда чет эл валютасига алмаштириб, ҳар ойда Ш.Д.га бериб келган.

Бундан ташқари Ш.Д. ҳаракатларини давом эттириб, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, уюшган гуруҳ манфаатлари йўлида лаборатория мудири А.А.га "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖга келтирилган пахта чигитини лаборатория текширувидан ўтказишда пахта чигитининг намлигини 0,5 фоизга камайтирган ҳолда хулоса тузиш бўйича тазйиқ ўтказиб, пахта чигитининг намлигини камайтириб кўрсатишга мажбур қилиб, "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖ манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Ш.Д. ҳаракатларини давом эттириб, ем маҳсулотлари омбор мудири Б.М.га топшириқ бериши натижасида 10-15 вагон ем маҳсулотларини ҳеч бир ҳужжатсиз ёки сохта ҳужжатлар билан чиқариб, Ш.Д.нинг танишига бериб келиб, ем маҳсулотидан 300.000 сўмдан 500.000 сўмгача пул маблағи, АЖ раисининг иқтисодий ишлари бўйича ўринбосари А.Ш. жамиятда ишлаб чиқарилган совун маҳсулотининг нархи устига 10 фоиздан устама қўйиб, мижозларга сотиб, 10.000.000 сўмдан 15.000.000 сўмгача пул маблағларини олиб, Ш.Д.га бериши натижасида шунча миқдорда-

ги маблағ ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган.

Ш.Д. иш фаолияти даврида техник чигитдан маҳсулот ишлаб чиқариш фоизини камайтириб кўрсатиши натижасида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖнинг 4.771.037.644 сўм 43 тийин жуда кўп миқдордаги маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, Ш.Д. мансабига совуққонлик билан қараб, жамият манфаатларига 29.030.681 сўмлик жуда кўп миқдордаги иқтисодий жарима қўлланишига сабабчи бўлган.

Суд Ш.Д.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, иш бўйича етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда ҳамда унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва солисона текшириб чиқилиши, ушбу кодекснинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камқўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган, ЖПКнинг 467-моддасига кўра, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим.

ЖКнинг 167-моддаси учинчи қисми "в" банди, 206-моддаси иккинчи қисми "б" банди ва 209-моддаси иккинчи қисми "б" бандида мазкур жиноятларни уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу кодекснинг 29-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахсининг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Қонун мазмунига кўра, уюшган гуруҳнинг хусусияти бир неча шахслар бирлашинининг қатъийлигида, гуруҳ жиноий фаолиятининг давомийлигида, унинг жиноий ихтисослашуви-

да, ўхшаш гуруҳларнинг фаолият доирасини бўлиб олишда, ҳар бир иштирокчининг роллари ва вазифаларини аниқ тақсимлашда, ташкилотчининг мавжуд бўлишида, жиний фаолиятнинг муайян муддатга режалаштиришда ифодаланади. Уюшган гуруҳ манфаатлари деганда, уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишга ундайдиган ёхуд уларни муваффақиятли содир этишга шароит яратувчи ҳолатлар тушунилади.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Д. 2005 йил январь ойидан 2007 йил март ойига қадар "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖ раиси лавозимида ишлаб келиб, жамият мулкани талон-торож қилишдан иборат умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган жиний қилмишларни содир этиб, ўзига хизмат вазифаси бўйича бўйсуниб, жамиятда омбор мудири вазифасида ишлаб келган Х.Ж.га ва бошқа ходимларга ноқонуний топшириқлар бериб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ўзининг ихтиёрида бўлган жамиятнинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Жиноят ишида Ш.Д. ёки бошқа шахслар томонидан "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖ мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож мақсадида уюшган гуруҳ ташкил қилинганлиги ёки бирон-бир уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Шунингдек, тергов органи ва суднинг ҳулосасига кўра, жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган бўлса-да, жино-

ятларни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишлаб чиқилмаганлиги, иштирокчилар ўртасида вазифалар тақсимланмаганлиги каби ҳолатлар инobatга олинмаган, жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган жиний ҳаракатлар айблов ҳулосасида ҳамда суд ҳукмининг тавсиф қисмида аниқ кўрсатилмаган.

Бундан ташқари дастлабки тергов даврида "Сурхонозиқовқатсаноат" АЖнинг 4.771.037.644 сўм 43 тийинлик мулкнинг ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиниши ҳолати бўйича жиноят ишининг бошқа иштирокчиларига оид бир қисми алоҳида иш юритувга ажратилган ва иш айблов ҳулосаси билан судга юборилиб, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2010 йил 23 мартдаги ҳукми билан А.Р. ва бошқаларнинг айбловидан ЖКнинг 167-моддаси учинчи қисми "в" банди чиқарилган.

ЖПКнинг 491-моддасида ишни назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ЖКни нотўғри қўллагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгиллагани аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ЖПКнинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг ажрими билан Ш.Д.нинг айбидан ЖКнинг 167-моддаси учинчи қисми "в" банди ҳамда 206-моддаси иккинчи қисми "б", "в" бандлари чиқарилиб, унга қилмишига мувофиқ меъёрда жазо тайинланди.

2. Қонун ўзгариши муносабати билан шахснинг ҳаракатлари қайта ма-лакаланиб, жазо енгиллаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 21 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2017 йил 15 февралдаги ҳукмига кўра, Д.К. ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми "в" банди, 228-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суд ҳукмига кўра, Д.К. 2015 йил 27 декабрь куни соат 12:00 да Б.И.га тегишли "Кобальт" русумли автомашинани пулини бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шарт билан сотиб олиб, автомашинага тегишли ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда автомашинани Ф.А.ни эгалиги давлат рўйхатида қайд этилгани ҳақидаги техник паспортни олишга эришиб, Х.М.га 7.200 АҚШ долларига сотиб, Б.И.га қолган 11.150 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни бермасдан талон-торож қилган.

Суд Д.К.нинг содир этган фирибгарлик жинояти юзасидан етказилган зарар тўлиқ қопланганини инobatга олиб, ЖКнинг 168-модда-

си учинчи қисми "в" банди билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб, тўғри ҳулосага келган. Аммо айнан шу жиноят билан боғлиқ ҳолда содир этилган унча оғир бўлмаган турдаги жиноят, яъни ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан, гарчи модда санкциясида муқобил турдаги жазо назарда тутилган бўлса-да, унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини муҳокама қилмасдан Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 4-сонли қарори 13-бандидаги суд иқтисодиёт соҳасидаги ҳар бир иш бўйича моддий зарарни қоплаган шахсга нисбатан талон-торож қилганлик учун озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлар экан, ишнинг муайян ҳолатларини инobatга олиб, унинг бошқа жиноятлари учун, агар бу жиноятларни содир этганлик учун қонунда муқобил жазолар назарда тутилган

бўлса, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини тайинлаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини муҳокама этиши шартлиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришга риоя этмасдан ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб хатога йўл қўйган.

Суд Д.К.ни илгари судланмагани, жиноят

3. Қонун талабларига мувофиқ тузилган битимларга асосланган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик, ўзгалар мулкани эгаллашда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмас.

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Т.С. ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида 2.604.800 сўм жарима жазосига, Т.Э. ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида 1.953.600 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш материалларига кўра, Т.С. ва Э.Т. жабрланувчи А.Қ.дан деҳқончилик билан шуғулланишлари учун қарзга пул сўраган ва эвазига Э.Т.га тегишли "Дамас" русумли автомашинани 42.700.000 сўмга баҳолаб, нотариал идора орқали унинг номига сотиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга ишончнома расмийлаштиришиб, Э.Т. А.Қ.дан 42.700.000 сўм олган ва бу пулни август ойининг охирида қайтара олмаса, "Дамас" русумли автомашинани А.Қ.нинг номига расмийлаштирилишига розилиги ҳақида тилхат ёзиб, Э.Т., А.Қ. ва Т.С. имзолаган. Бироқ, улар 2016 йил сентябрь ойи кутилган ҳосилни ололмагач, А.Қ.дан олган 42.700.000 сўм пулни қайтара олмаслигини билдириб, унга келишувга кўра, "Дамас" русумли автомашинани олишни таклиф қилганда, жабрланувчи А.Қ. Т.С. ва Э.Т.га "Дамас" автомашинасини деҳқончилик фаолиятида фойдаланишгани сабабли эскирганлиги учун бозор баҳосини 30.000.000 сўмга ҳисоблаб, яна қўшимча равишда 12.700.000 сўм беришлари лозимлигини билдирган. Аммо улар ўзаро келиша олмаганликлари сабабли А.Қ. Э.Т., Т.С.нинг таклифига рози бўлмасдан икки ой ичида олган 42.700.000 сўм пулни қайтариб беришни талаб қилган, Э.Т. ва Т.С. ушбу талабни бажармаганлиги сабабли у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилган.

Фуқаролик кодексининг 736-моддасида қарз олувчи томондан қарз шартномасини бузиш оқибатлари белгиланган бўлиб, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳол-

оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ижобий тавсифланиши каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларига эътибор қаратмасдан ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан қилмишига номувофиқ бир қадар оғир жазо тайинлагани боис суд қарорлари ўзгартирилиб, ЖКнинг 228-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан муқобил турдаги жазо тайинланди.

ларда фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб, то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши кераклиги белгиланган.

Қайд этилган қонун талабларига кўра, Э.Т. А.Қ.дан 42.700.000 сўм олганлиги ва бу пулни август ойининг охирида қайтара олмаса, "Дамас" русумли автомашинани А.Қ.нинг номига расмийлаштирилишига розилиги ҳақида ёзиб берган тилхати Э.Т., А.Қ. ва Т.С. томонидан имзоланган вақтдан бошлаб улар ўртасида қарз шартномаси ёзма равишда тузилганлигидан далолат беради. Шунингдек, Э.Т. ва Т.С.да қарз олувчи сифатида А.Қ.дан олган 42.700.000 сўм қарз суммасини шартномада назарда тутилган муддатда, 2016 йил август ойида қайтариш мажбуриятини вужудга келтирган.

Судланган Т.С. судда жияни Э.Т. билан бирга деҳқончилик билан шуғулланиш мақсадида Қашқадарё вилояти, Фузор туманига боришгани, деҳқончилик ишларини юритиш учун пул зарур бўлганлиги учун 2016 йил август ойининг охирида қайтариш шarti билан қарзга пул бериб туришни сўрашганида, А.Қ. қарзга пул бериши учун гаровга автомашинани қўйиш лозимлигини айтгани, келишувга кўра, Э.Т.га тегишли "Дамас" русумли автомашинани 42.700.000 сўмга ҳисоблаб, нотариал идора орқали А.Қ.ни номига сотиш ҳуқуқи билан 3 йил муддатга ишончнома расмийлаштириб бериб, ундан 30.000.000 сўм олишгани, "Дамас" автомашинасидан деҳқончиликда фойдаланишгани, 2016 йил сентябрь ойига келиб кутилган ҳосилни олмаганликлари сабабли, А.Қ.га қарзга олган пулни фоизи билан ҳисобланган 42.700.000 сўмни қайтара олмасликларини айтиб, "Дамас" русумли автомашинани олишни таклиф қилишгани, А.Қ. уларнинг таклифига рози бўлмасдан 2 ой ичида пулни қайтариб беришни сўраганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Бу ҳолатда Э.Т. ва Т.С.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмай, балки фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги кўринади.

Бундан ташқари жиноят ишида тўпланган ва

суд мажлисида текширилган ҳолатларга кўра, Э.Т. ва Т.С.нинг А.Қ.ни мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суиистеъ-мол қилиш йўли билан қонунга хилоф равиш-да ва текин қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатларни содир этишдаги қасднинг мав-жудлиги бирон-бир далил билан исботланма-ган.

Чунки Э.Т. ва Т.С. А.Қ.дан қарз сифатида ол-ган пул маблағларини қайтармаган тақдирда гаров тариқасида "Дамас" русумли автомаши-нани келгусида А.Қ.нинг номига расмийлаш-тириш ҳуқуқини берувчи нотариал тартибда расмийлаштирилган шартнома тузилган.

Ушбу шартнома ҳеч ким томонидан бекор қи-линмаганлигининг ўзи ҳам Э.Т. ва Т.С. А.Қ. би-лан ўзаро қарз шартномасига асосланган фу-қаролик ҳуқуқий муносабатга киришганлигини тўлиқ исботлайди. Э.Т. ва Т.С. кейинчалик шар-тнома шартларида белгиланган мажбуриятни бажармагани А.Қ.ни ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини чекламайди.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябр-даги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 35-сонли қарори 9-бандида қонун талабларига мувофиқ тузил-ган битимлар, шартномаларга асосланган фу-қаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чи-

4. Фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган-лик учун жиноий жавобгарлик талон-торож миқдоридан қатъи назар ке-либ чиқади.

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл туман су-дининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Ў.К. ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "б", "в" бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ой раҳбарлик ва моддий-жавобгарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қили-ниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 29 августдаги ажрими билан ҳукм бекор қилиниб, жиноят иши судланганларнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган.

Суд ҳукмига кўра, Ў.К. бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, Олтинкўл туманида ташкил қилинган ноқонуний бозорга озиқ-овқ-ат, кундалик эҳтиёж моллари, қорамол ва бо-шқа буюмларни сотиш мақсадида келган фу-қароларга бозор шароитларини яхшилаш ва патта тўловлар учун деб, уларни алдаб, ҳар бирдан 1.000 сўмдан 5.000 сўмгача пул йиғиб олиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябр-даги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 35-сонли қарори 4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айб-дор томонидан била туриб, ҳақиқатга тўғри кел-майдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши

қадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкни эгаллашда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мум-кин эмаслиги, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жум-ладан, тарафлар учун ўзаро моддий манфа-атни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилиши, агар битим, шартнома шартлари бажарилмаса, қонунга кўра, (ФКнинг 2, 9, 24-боблари, ФПКнинг II бўлими 2-кичик бўлими, ХПКнинг 15-боби) бузилган ҳуқуқ фақат фу-қаролик ишлари бўйича суд ёки иқтисодий суд томонидан тикланиши мумкин бўлиб, уларда мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситалар мавжудлиги, шу муносабат билан қонун талабларига муво-фиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шар-тнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақида тушунти-риш берилган.

Судлов ҳайъатининг ажрими билан Т.С. ва Э.Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бе-кор қилиниб, жиноят иши ЖПКнинг 83-модда-си 2-бандига мувофиқ уларнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тугатилган.

ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бо-шқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шах-сларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши лозим-лиги;

16-бандида қонунга кўра, фуқаролар мулки-ни фирибгарлик йўли билан талон-торож қил-ганлик учун жиноий жавобгарлик талон-торож миқдоридан қатъий назар келиб чиқади. Айти пайтда талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчи (судланувчи)нинг шах-сига ва моддий зарар қопланишига оид маъл-умотларни инобатга олган ҳолда ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларини қўллаш масаласини муҳокама этишлари шартлиги белгиланган.

Бироқ иш бўйича қонун талаблари ва қайд этилган Олий суд Пленумининг қарори тушун-тиришларига риоя қилинмай, суд ҳукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўлиқ ҳажмда текширилмасдан жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан туга-тилиши ҳақида барвақт хулосага келинган.

Қонун мазмунига кўра, талон-торож қийма-ти энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган бўлса-да, фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-то-рож миқдоридан қатъи назар келиб чиқиши,

яъни зарар суммаси аҳамиятга эга эмаслиги, бундай ҳолда ЖКнинг 36-моддасида кўрсатиб ўтилган кам аҳамиятли қилмиш эмас, балки фирибгарлик жиноятининг таркиби мавжудлиги апелляция инстанциясининг эътиборидан четда қолган.

Шунингдек, ушбу ҳолатда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчи (судланувчи)нинг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят ишини ЖКнинг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этишлари шарт эди.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов даврида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Х.Э. "Ҳасан-Хусан" маҳалласида ноқонуний ташкил этилган бозорда сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилиши, Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.нинг бозорни ободонлаштириш, қонунийлаштириш ҳақида берган ваъдаларига ишониб, уларга ҳар бозор 5.000 сўмдан пул бергани" ҳақида, Х.Э. "ноқонуний ташкил этилган бозорда ун савдоси билан шуғулланганлиги, Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н. ундан ҳар бозорда жой ҳақи, яъни "патта тўлови учун" ва "бозорни қонунийлаштирамиз" деб, 1.500 сўмдан пул олишгани" ҳақида, А.Қ. ноқонуний ташкил этилган бозорда судланувчилар Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.га жой ҳақи ва бозорни кейинчалик қонунийлаштириш учун деб, 1.000 сўмдан тўловларни амалга ошириб келганлиги ҳақида ва З.У. Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.га бозор шароитларини яхшилаш, ободонлаштириш ва қонунийлаштириш

учун деб 1.000 сўмдан пул бергани ҳақида кўрсатмалар беришган.

Шунингдек, Д.Т. дастлабки тергов даврида Ў.К. билан маслаҳатлашиб, Д.И., А.Ж., М.М. ва И.Н.га "Ҳасан-Хусан" маҳалласидаги бозорга савдо қилиш учун келган фуқаролардан патта тўловлари ва тозалов ишлари учун деб, пул йиғиш ҳақида кўрсатма берганлигини баён этган.

Шунингдек, бозорлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларни бир меъёрда фаолият кўрсатишини назорат қилиш давлат солиқ идораларига юклатилган бўлса-да, дастлабки тергов ва суд томонидан ҳолат аниқлангунга қадар нима сабабдан солиқ ходимлари томонидан бу ноқонуний бозорнинг фаолияти юзасидан тегишли чоралар кўрилмаганлигига аниқлик киритилмаган ва давлат солиқ хизмати органи ходимларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бу ҳолатларга апелляция инстанцияси суди ҳам етарли баҳо бермасдан, фақатгина айрим жабрланувчиларнинг "пулларни ўз хоҳишимиз билан берганмиз" деган мазмундаги аризаларига асосан судланувчиларнинг ҳаракатларини кам аҳамиятли қилмиш, деб ҳисоблаб, ЖККнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг ажрими билан Ў.К. ва бошқаларга нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

5. Унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб, беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2017 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, Ж.Х. ЖККнинг 168-моддаси иккинчи қисми "б" банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан 11.440.000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 3 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Ж.Х. Р.З.нинг уйига келиб, унга тегишли бўлган баҳоси 400.000 сўм бўлган бир дона бетон симёғочнинг ўрнига ўзига ўхшайдиган симёғоч ёки пулини беришини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатганликда, фуқароларга яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ер ажратиб бериш ваколатига эга бўлмаса-да, 2011 йил август ойларида А.Ж.га "Пулимугоб" маҳалла ҳудудида жойлашган 6 сотих ер майдонини маҳалла ҳисобида эканлигини айтиб, уни алдаб, такроран фирибгарлик йўли билан 6.000.000 сўмни қўлга киритганликда айбдор деб топилган.

ЖККнинг 15-моддасига кўра, Ж.Х. томонидан содир этилган ЖККнинг 168-моддаси иккинчи қисми "б" бандида назарда тутилган жиноят унча

оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради.

ЖККнинг 64-моддаси биринчи қисми "б" бандида унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўришда қонуннинг бу талабига риоя қилинмаган.

Ж.Х. томонидан жиноят 2011 йил август ойида содир этилган бўлиб, суд томонидан ҳукм 2017 йил 10 май куни, яъни жиноят содир этилган кундан бошлаб 5 йил 9 ой ўтиб кетгандан сўнг чиқарилган.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўришда ушбу ҳолатларга эътибор бермаган.

Ж.Х.ни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли жиноят иши ЖККнинг 84-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ тугатилиши керак. Бироқ иш ҳужжатларидан кўринишича, Ж.Х. дастлабки тергов ва суд давомида айбига иқрор бўлмаган. Бундай ҳолатда ЖККнинг 84-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ж.Х.га нисбатан айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилиши лозим.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорларининг Ж.Х.га нисбатан жазо тайинлаш қисми бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (бундан буён матнда судлов ҳайъати деб юритилади) томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган даврда Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида вилоят судларининг апелляция инстанциясида 5925 та, кассация инстанциясида 7368 та фуқаролик иши кўрилган. Апелляция инстанциясида туманлараро судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг 694 (1036) таси ёки 0,4 фоизи, кассация инстанциясида 965 (1419) та ёки 0,6 фоиз ишлар бўйича жами 1659 та ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Апелляция ва кассация инстанциясида биринчи инстанция суди қарорларининг бекор қилиниши Тошкент шаҳрида 380 та, Тошкент вилоятида 244 та, Сурхондарё вилоятида 189 та, Қашқадарё вилоятида 163 та, Фарғона вилоятида 168 та, Самарқанд вилоятида 154 тани ташкил этган.

Вилоят судлари апелляция ва кассация инстанциялари ваколатидан тўғри фойдаланиш, ўз вақтида суд хатоликларини тўғрилаш ўрнига, айрим ҳолларда ўзлари қўпол хатоликка йўл қўйиб, мазмунан тўғри бўлган суд қарорларининг бекор қилинишига йўл қўйган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, Олий судда назорат тартибида бекор қилинган жами 158 та апелляция ва 124 та кассация инстанцияси судлари ажримларидан 94 та иш бўйича биринчи инстанция суди қарорлари ўзгаришсиз қол-

дирилган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 18 та, Хоразм вилоятида 13 та, Самарқанд вилоятида 12 та, Фарғона вилоятида 11 та ва Тошкент шаҳрида 12 тани ташкил этган.

Ҳисобот даврида назорат инстанциясида 322 та иш бўйича туманлараро судлари қарорлари бекор қилинган. Шундан 211 таси ёки 78 фоизи бўйича янги ҳал қилув қарорлари чиқарилган, 71 таси ёки 22 фоизи бўйича тарафларни жалб қилиш лозимлиги сабабли ишлар янгидан кўриш учун юборилган.

Судлов ҳайъатида кўрилган ишлар бўйича куйи судлар томонидан ишни кўришда йўл қўйилган қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 23 та хусусий ажрим чиқарилган.

Туманлараро судларининг барча суд инстанцияларида кўрилган ишлар бўйича жами 1986 та ёки 1,2 фоиз суд қарорлари бекор қилинган.

Айниқса, Тошкент шаҳар судларининг 380 та, Тошкент вилоят судларининг 244 та, Сурхондарё вилоят судларининг 189 та ва Фарғона вилоят судларининг 168 та ва Қашқадарё вилоят судларининг 163 та суд қарори бекор қилинган.

Бекор қилинган суд қарорларининг таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан мерос, битимлар, уй-жой, меҳнат, ер ва зарар ундириш билан боғлиқ низолар билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш натижасида хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. Ён ёшга тўлган фарзандларнинг ким билан яшаш ҳақидаги фикри эътиборга олинмаганлиги ва тегишли экспертиза тайинланмаганлиги суд қарорларини бекор бўлишга асос бўлади.

Н.Исломова жавобгар А.Исломовга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, уч нафар вояга етмаган фарзандларини яшаш жойини белгилаш ҳамда уларнинг моддий таъминоти учун алимент ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 5 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон ҳамда 2011 йилда туғилган Акбархўжа онаси Н.Исломовага олиб берилиб, уларнинг моддий таъминоти учун А.Исломовнинг ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларининг 1/2 қисми миқдорида фарзандлари вояга етгунга қадар алимент ундириш белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 9 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 23 октябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, Н.Исломова ва А.Исломов 2006 йил 14 июнда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушдан тўрт нафар, яъни 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон, 2011 йилда туғилган Акбархўжа ва 2017 йилда туғилган Нодирхўжа исмли фарзандлари бор.

Улар оилавий келишмовчилик сабабли 2018 йил февралдан бошлаб алоҳида яшаб келган. Судга мурожаат қилгунга қадар 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон ҳамда 2011 йилда туғилган Акбархўжа отаси А.Исломов билан, 2017 йилда туғилган Нодирхўжа эса, Н.Исломова билан алоҳида уй-жойда яшаган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда болаларга кўпроқ она тарбияси ва меҳри аҳамиятли эканлиги, болалар фақат сўнгги етти ой давомида ота тарбиясида эканлиги, бу ҳолатда отанинг таъсири остида болаларда унинг тарбиясида қолиш истаги шаклланганлигига асосланган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар то-

монидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарори 3-бандига кўра, суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Оила кодексининг 68-моддасига асосан оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Судлов ҳайъати суд мажлисида 10 ёшга тўлган Анвархўжа ва Асилахон отаси билан яшаш истагини билдирган.

Шунингдек, судлов ҳайъатига тақдим этилган суд психологик экспертизасининг хулосасида:

- 2007 йилда туғилган Анвархўжа, 2009 йилда туғилган Асилахон, 2011 йилда туғилган Акбархўжанинг онасига бўлган муносабати бетараф бўлиб, руҳий боғланиш мавжуд эмаслиги, уларнинг отасига бўлган муносабати ижобий бўлиб, тадқиқот даврида аниқланган ҳолатлар ва ота-онанинг индивидуал-психологик хусусиятидан келиб чиқиб, болаларнинг онасига бўлган муносабати отанинг таъсири остида юзага келмаганлиги;

- отанинг болаларига нисбатан муносабати юқори рефлексли ҳиссиётга эга бўлиб, она болалари билан ҳиссий яқинлиги камлиги билан боғлиқ. Эксперт кузатувида, она юзага келган вазиятдан фойдаланган ҳолда молиявий кўринишдаги масала ечими билан машғул;

- вояга етмаганлар Анвархўжа, Асилахон ва Акбархўжанинг укаси Нодирхўжа билан руҳий боғлиқлик мавжуд ва укасини ўзлари билан бирга яшашларини истади;

- болаларнинг яшаш жойини ўзгартириш уларнинг руҳий ҳолатига таъсир ўтказиб, болаларда руҳий зўриқиш келиб чиқишига (стресс) олиб келади, бу эса, уларнинг соғлигига, шахсинг ривожланиши ва қадриятлар шаклланиши, ижтимоий мослашуви га салбий таъсир кўрсатиши хулоса қилинган.

Шунга қарамасдан, судлар болалар манфаатига зид ҳолатда даъвони қаноатлантириш ҳақида асосиз хулосага келган.

6-526-19-сонли иш

2. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади.

Н.Ахманова жавобгар В.Шеровга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, 39-уй, 53-хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Н.Ахманованинг даъвоси қаноатлантирилиб, 39-уй, 53-хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланиб, Н.Ахмановадан 843.230 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 15 мартдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 28 ноябрдаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, шаҳарнинг Нодирабегим кўчасида жойлашган 39-уй, 53-хонадон 1992 йил 24 сентябрда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра, В.Шеровга тегишли бўлган.

Н.Ахманова шаҳарнинг Нодирабегим кўчасида жойлашган 39-уй, 53-хонадонни 1992 йил 20 декабрда оғзаки келишув асосида В.Шеровдан сотиб олиб, турмуш ўртоғи М.Воҳидов ва оила аъзолари билан бирга яшаб келишган.

Н.Ахманова 2014 йил 20 августда, турмуш ўртоғи М.Воҳидов 2008 йил 25 апрелда низоли хонадонга доимий рўйхатга қўйилган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларида баҳо бериб, хонадон қонунда белгиланган муддат давомида эгаллаб келинганлиги мақбул далиллар билан тасдиқланишини асос қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Кассация инстанцияси хонадон юзасидан олди-сотдини ўзида ифодалаган тилхат сохталаштирилганлиги ва бу ҳалол эгаллаб келинганлигини инкор этишини асос қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилган.

Аниқланишича, МФЙнинг 2013 йил 21 июндаги ҳамда 2018 йил 29 мартдаги даллатномаларга кўра, эр-хотин Н.Ахманова ва М.Воҳидов ушбу хонадонда 1993 йилдан буён оила аъзолари билан яшаб, коммунал ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб келган.

Ушбу ҳолатни судлов ҳайъатида гувоҳ сифатида сўралган қўшнилар ҳамда МФЙ

раиси ҳам тасдиқлашган, шунингдек, даъвогар низоли уй-жой учун коммунал, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб келётганлиги ҳақидаги ҳужжатларни судларга тақдим қилган.

Бундан ташқари ИИБнинг 2013 йил 28 августдаги 27/62-19857-сонли хатида, жавобгар В.Шеров жиноят содир этганлиги бўйича қидирувда эмаслиги, ДНИнинг 2018 йил 12 апрелдаги 2-488-сонли хатида, низоли уй-жой юзасидан мерос иши очилмаганлиги қайд этилган.

Судлов ҳайъатида тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитасининг 2019 йил 13 ноябрдаги №1/2-1546-сонли хатига кўра, Н.Ахманова ва М.Воҳидов номига шаҳар ва вилоят ҳудудида уй-жой расмийлаштирилмаган.

Туманлараро судининг 2009 йил 21 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, М.Воҳидовнинг жавобгарлар В.Шеров ва туман ҳокимиятига нисбатан низоли уй-жой бўйича олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

Ушбу даъво талабига асос сифатида келтирилган тилхат қалбакилаштирилганлиги боис М.Воҳидовга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси билан қўзғатилган жиноят иши суднинг 2009 йил 6 ноябрдаги ажрими билан амнистия актига асосан тугатилган.

Кассация инстанцияси суди ушбу суд ажрими билан уй-жойнинг ҳалол эгаллаб келинганлиги инкор этилишини асос қилган.

Бироқ кассация инстанцияси жиноят ишлари бўйича суднинг ажрими даъвогар Н.Ахмановага эмас, балки М.Воҳидовга тегишли эканлигини инobatга олмаган.

Бунда биринчи инстанция суди қонун талаблари ва аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб, низоли уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашга асос бўлувчи қонунда назарда тутилган барча ҳолатлар мавжудлиги, яъни даъвогар низоли уй-жойда узоқ вақтдан буён узлуксиз яшаб келётганлиги, мазкур уй-жойни ҳалол ва ошқора йўл билан эгаллаб келганлиги, мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиб келётганлигини инobatга олиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган бўлса-да, кассация инстанцияси ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-1746-19-сонли иш

3. Кадастр ҳужжатида қайд этилган фактлар инобатга олинмаганлиги боис суд қарорлари бекор қилинди.

М.Баратов судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, туманнинг Сармич МФЙдаги уй-жойни марҳум онасининг улушига ўзини, акаси Ж.Баратов ва отаси Х.Баратовни меросхўр деб топиб, улушини ажратиб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, туманнинг Сармич МФЙда жойлашган Х.Баратовга тегишли бўлган уй-жой марҳума А.Баратова ва Х.Баратовнинг умумий мулки деб топилиб, М.Баратов уй-жойнинг 1/2 қисмига меросхўр деб топилган ва уй-жойни ушбу қисми натура шаклида ажратиб берилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 27 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 24 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, А.Баратова Х.Баратов билан 1979 йил 27 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан икки нафар, яъни 1981 йилда туғилган Ж.Баратов ва 1984 йилда туғилган М.Баратова исми фарзандлари туғилган.

А.Баратова 1987 йилда вафот этган.

Х.Баратов 1988 йилда М.Норқулова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва ундан 2 нафар фарзандли бўлган.

Туманнинг Сармич МФЙда жойлашган уй-жойга туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарори билан Х.Баратовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Судлар низоли уй-жойлар А.Баратова ва Х.Баратовнинг турмушлари даврида қурилган деб ҳисоблаб, уй-жойни умумий мулк деб топган.

Бироқ судлар 2018 йил 12 ноябрдаги туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан берилган Х.Баратовга тегишли уй-жойга 2016 йилда кадастр ҳужжати тайёрланиб, туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарорига асосан 2016 йил 11 августда давлат рўйхатига олинганлиги, ҳужжатга асосан 0001-литер уй-жой майдони 85,5 м² қисми 1983 йилда, 0002-литер уй-жой майдони 55,58 м² қисми 2008 йилда қурилганлиги, қолган ёрдамчи иморатлар 1989, 2009, 2012 йилларда қурилганлиги ҳақидаги маълумотномани инобатга олмаган.

Манфаатдор шахс М.Норқулова суд мажлисидаги тушунтиришларида низоли уй-жойга келин бўлиб тушганлигини, ўша вақтларда икки хона ва битта даҳлиз бўлганлиги, кейинчалик кўшимча қурилишлар қилишганлигини, уй-жойнинг иккита хонасини қайтадан таъмирлаганликларини, уй-жойдан 30 йилдан бери фойдаланиб келаётганлигини, уй-жойда унинг ҳам хиссаси борлигини баён қилган.

"Давлат кадастрлари тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига биноан, кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади.

Аммо судлар қайд этилган қонун талаби ва иш ҳолатларини эътиборга олмасдан даъво-ни асосиз равишда қаноатлантирган.

6-1843-19-сонли иш

4. Касаба уюшмаси раёсати иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масалани ҳал қилишга ваколатли эмаслиги боис суд қарори бекор қилинди.

А.Нозимов жавобгар институтга нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, унда институт ректорининг буйруғини ғайриқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ва ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундириш сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 10 майдаги ҳал қилув қарори билан А.Нозимовнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, буйруқ бекор қилинган ва А.Нозимов лавозимига ишга тикланган, институтдан А.Нозимовнинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш белгиланган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 18 июндаги ажрими билан ҳал қилув

қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 18 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ишга тиклаш қисми ўзгаришсиз қолдирилган ҳамда мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришга оид қисмлари ўзгартирилган.

Аниқланишича, А.Нозимов 2016 йилдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида институт қошидаги "Қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази" директори лавозимида ишлаб келиб, институтнинг 2018 йил 23 мартдаги буйруғи билан меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг

100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига асосан бекор қилинган.

Буйруққа Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-банди, огоҳлантириш хати ҳамда институт бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раёсатининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4 "О"-сонли йиғилиш қарори асос қилиб кўрсатилган.

А.Нозимов меҳнат шартномасини бекор қилишда меҳнат қонунчилиги бузилганлиги, хусусан, касаба уюшма кўмитасининг розилиги олинмаганлиги, унга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда хабардор қилинмаганлигини ваъж қилган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришда иш берувчи томонидан даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар асосида бекор қилинмаганлигига асосланган.

Вилоят суди апелляция инстанцияси даъвогар А.Нозимов меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилганлиги ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси йиғилишида иштирок этганлигини асос қилиб, суд қарорини бекор қилиш ва даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида хулосага келган.

Меҳнат кодексининг 101-моддаси биринчи қисмида башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса-да, шартномани бундай розиликни олмай бекор қилишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Институт бирлашган касаба уюшма кўмитаси раёсатининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4"О"-сонли қарори билан А.Нозимов билан меҳнат шартномаси бекор қилишга розилик берилган бўлса-да, аммо институтнинг 2017-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 3.4-бандида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-15-сонли қарори билан тас-

диқланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисидаги намунавий Низомнинг 9.2-бандида бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасининг ваколатларида, жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масалани ҳал қилиши қайд этилган.

Судларга даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда жавобгар вакиллари юқоридаги Низомнинг 9.4-бандида Раёсат сайланган касаба уюшма кўмитаси ўзининг айрим шу жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ваколати ҳам Раёсатга берилганлигини, касаба уюшмасининг айнан қандай ваколатларни раёсатга берганлиги институт бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси йиғилиши баённомасида кўрсатилганлигини баён қилиб, 2017 йил 3 апрелдаги баённомани тақдим этган.

Бироқ судлов ҳайъати иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олиниши қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги, ушбу ҳолатда касаба уюшмасининг қонунда назарда тутилган ваколатни касаба уюшмаси кўмитаси йиғилиши баённомаси асосида раёсатга бериши қонун талабига зид деган хулосага келган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати томонидан бундай хулосага келишда, А.Нозимов билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2018 йил 23 мартдаги 66-ш-сонли буйруғи билан бекор қилинган ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси раёсатининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4"О"-сонли қарори билан розилик берилган бўлса-да, ушбу қарор 2018 йил 30 мартда, яъни меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин институт бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси йиғилиш қарори билан қайтадан тасдиқланганлигини инобатга олган.

Апелляция инстанцияси қайд этилган меҳнат қонунчилиги талаблари ва иш ҳолатларини эътибордан четда қолдириб, даъвони асосиз равишда рад қилган.

6-1767-19-сонли иш

5. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли.

Ш.Барноев мансабдор шахс Давлат божхона кўмитаси ва вилоят божхона бошқармасига нисбатан судга шикоят билан мурожаат қилиб, Республика Давлат божхона кўми-

тасининг 2012 йил 2 октябрдаги хизмат текшируви ўтказишдаги хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб ҳисоблаш ва хизмат текшируви хулосасини ҳақиқий эмас, деб то-

пишни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 9 октябрдаги ажрими билан ариза иш юритишдан тугатилган ва Ш.Барноевга Давлат божхона қўмитасига мурожаат этиши, мурожаатига нисбатан берилган жавобдан норози бўлган тақдирда тегишли тартибда маъмурий судга шикоят бериш ҳуқуқи тушунтирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 29 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 25 декабрдаги ажрими билан суд ажримлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, аризачи Ш.Барноев вилоят божхона бошқармасида инспектор лавозимида ишлаб келиб, Давлат божхона қўмитаси раисининг 2006 йил 4 декабрдаги 365 ш/т-сонли буйруғига асосан Божхона органлари интизомий Уставининг 16-банди "ж" кичик бандига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Ш.Барноев ишдан бўшатирилганлиги ва меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган шикояти юзасидан Бош прокуратуранинг 2012 йил 27 сентябрдаги хатига асосан Давлат божхона қўмитаси томонидан хизмат текшируви ўтказилган ва 2012 йил 2 октябрда хулоса тасдиқланган.

Хизмат текшируви хулосасида вилоят давлат божхона бошқармаси кадрлар бўлими масъул ходимлари Я.Ш. ва Н.М. томонидан Ш.Барноев ишдан бўшатирилганидан кейин унга меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаган ва "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги аниқланган.

Ш.Барноев шикоятида хизмат текшируви

ўтказишдаги хатти-ҳаракатларни қонунга ҳилоф ва хизмат текшируви хулосасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Судлар ушбу талаб меҳнат низоси эмаслиги ва низо маъмурий судга тегишли эканлигини асос қилиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 124-моддаси 1-бандига асосан иш юритишни тугатган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади.

Судлов ҳайъати томонидан аниқланишича, вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 22 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туман маъмурий судининг 2018 йил 2 ноябрдаги ажрими билан Ш.Барноевнинг шикоятини қабул қилиш рад этилиб, унга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Судлар ишни кўргунга қадар (2018 йил 11 октябрда) амалга киритилган Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддаси биринчи қисми 6-бандига биноан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларидан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Аммо ушбу шикоятдаги талабларда мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари оқибатида бузилган меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклашдан иборат эканлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

6-2126-19-сонли иш

6. Турар-жойда доимий яшаб, рўйхатда турган шахс уйдан кўчирилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Даъвогар Т.Қосимов жавобгар И.Ибрагимовага нисбатан уй-жойдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

И.Ибрагимова Т.Қосимов ва Қашқадарё вилоят давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасига нисбатан Т.Қосимов номига 1993 йил 15 февралда берилган 800-сонли хусусийлаштириш ордени ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 16 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз

қолдирилган Касби туманлараро судининг 2019 йил 19 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра, И.Ибрагимовани оила аъзолари билан ҳамда манфаатдор шахслар А.Ибрагимов, Д.Ҳасанова ва Р.Рустамовни Миришкор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, 15-хонадондан мажбурий тартибда чиқариш белгиланган. Қарши даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган. И.Ибрагимовадан Т.Қосимовнинг фойдасига 419.650 сўм суд харажатини ундириш белгиланган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 26 ноябрда-

ги ажрими билан суд қарорларининг И.Ибрагимовани оила аъзолари ва мол-мулклари билан уйдан чиқариш ҳамда Т.Қосимовнинг фойдасига 419.650 сўм суд харажатларини ундириш қисмлари бекор қилинган ва шу қисми бўйича даъвогар Т.Қосимовнинг жавобгар И.Ибрагимовага нисбатан уй-жойдан оила аъзолари ва мол-мулклари билан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган. Суд қарорларининг қарши даъвони рад этиш қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Қашқадарё вилояти давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасининг 1993 йил 15 февралдаги 800-сонли давлат ордерига кўра, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, 15-хонадон Т.Қосимовнинг номига хусусийлаштирилган.

Қашқадарё вилоят давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасининг 1993 йил 8 июндаги 18821-сонли давлат ордерига кўра, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, 15-хонадон И.Ибрагимованинг номига хусусийлаштирилган.

Шунингдек, 1993 йил 8 июнда И.Ибрагимованинг номига берилган 18821-сонли давлат ордери Қашқадарё вилоят давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлигининг 1993 йил 19 июндаги 175-сонли буйруғи билан бекор қилинган.

7. Моддий ҳуқуқ нормасининг нотўғри қўлланганлиги сабабли маънавий зарар ундиришни рад этиш ҳақидаги суд қарори бекор қилинди.

Даъвогар Ч.Тиркашов жавобгарлар Қ.Қаҳҳоров ва Р.Расуловга нисбатан ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 9 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Қумқўрғон туманлараро судининг 2019 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 31 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, Ч.Тиркашовнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгарлар Қ.Қаҳҳоров ва Р.Расуловдан даъвогар Ч.Тиркашовнинг фойдасига 1.000.000 сўм маънавий зарар, 405.460 сўм давлат божи ва 14.190 сўм почта харажатлари, жами 1.419.650 сўмни солидар тартибда ундириш белгиланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Жарқўрғон туман маъмурий судининг 2018 йил 2 ок-

қуйи судлар даъво муддатини қўллаб, қарши даъвони рад қилиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, бироқ судда И.Ибрагимова низоли уйда 1998 йилдан буён рўйхатда туриб яшаб келаётганлиги аниқланганлигини эътибордан четда қолдириб, уй Т.Қосимовга тегишли эканлиги ва унга берилган ордер ҳақиқий эмас, деб топилмаганлигига асосланиб, И.Ибрагимовани оила аъзолари ва мол-мулклари билан биргаликда уйдан чиқариш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Бу билан қуйи судлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқланмаган ва моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган (Фуқаролик процессуал кодексининг 375-моддаси).

Судлов ҳайъати уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талабини рад этишда Фуқаролик кодексининг 172-моддаси мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартилиги, Уй-жой кодексининг 32-моддаси уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлилиги тўғрисидаги нормаларга асосланган.

6-1946-19-сонли иш

тябрдаги қарорига кўра, 2018 йил 6 май куни Қ.Қаҳҳоров била туриб, ёлғон уйдирмалар тарқатиб, тухмат қилганликда, шу куни Р.Расулов била туриб, ёлғон уйдирмалар тарқатиб, тухмат қилганлиги ва уни ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр-қимматини камситганлиги юзасидан суриштирув органи томонидан 2018 йил 2 июнда жиноят ишини қўзғатиш рад этилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқарилган.

Маъмурий иш ҳужжати туман судининг иш юритувига 2018 йил 2 октябрда келиб тушган.

Жарқўрғон туман маъмурий судининг 2018 йил 2 октябрдаги қарори билан Қ.Қаҳҳоровга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси билан ҳамда Р.Расуловга нисбатан ушбу кодекснинг 40 ва 41-моддалари билан қўзғатилган маъмурий иш ушбу кодекснинг 271-моддаси 7-бандига асосан (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса) ҳаракатдан туга-

тилган.

Иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Қуйи судлар жавобгарларнинг айблилик масаласи муҳокама қилинмасдан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддати ўтиб кетгани сабабли иш юритишдан тугатилгани ҳамда Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланиши белги-

ланганлигига асосланиб, даъво талабларини рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати жавобгарларнинг ҳуқуқбузарлик содир этганликлари суд қарори билан тасдиқланганлиги, бироқ уларни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли иш юритиш тугатилганлигини инобатга олиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 75-моддаси талабларига асосан қилмиш исботланган деб ҳисоблаб, даъво аризасини қисман қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

6-1733-19-сонли иш

8. Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади.

О.Мелиева жавобгар А.Мелиевга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, онаси З.Холиқова ва отаси А.Мелиев 1979 йил 27 январда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлиги, турмушларидан икки нафар фарзандлари борлиги, онаси 1987 йилда вафот этганлиги, ота-онаси бирга яшаган даврида Тайлоқ тумани, Найман маҳалласидаги уй-жойни қурганликлари, ушбу уй-жойга Тайлоқ туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарори билан А.Мелиевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлиги, уй-жойни марҳум онаси отаси билан бирга яшаган даврида қуришганини қайд этиб, марҳум онасини улушига ўзини, акаси Ш.Мелиев ва отаси А.Мелиевни меросхўр деб топиб, улушини ажратиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 27 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Тайлоқ туманлараро судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, О.Мелиеванинг даъво талаби қаноатлантирилиб, Тайлоқ тумани, Найман маҳалласида жойлашган А.Мелиевга тегишли бўлган уй-жой марҳум З.Холиқова ва А.Мелиевнинг умумий мулки деб топилган.

О.Мелиева Тайлоқ тумани, Найман маҳалласида жойлашган А.Мелиевга тегишли бўлган уй-жойнинг 1/2 қисмига меросхўр деб топилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 24 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, О.Мелиеванинг даъвосини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, З.Холиқова А.Мелиев билан 1979 йил 27 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан икки нафар, 1981 йилда туғилган Ш.Мелиев ва 1984 йилда туғилган О.Мелиева исмли фарзандлари бор.

З.Холиқова 1987 йилда вафот этган.

А.Мелиев 1988 йилда Э.Эминова билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан 2 нафар фарзандлари бор.

Тайлоқ тумани, "Найман" МФЙда жойлашган уй-жойга Тайлоқ туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарори билан А.Мелиев номига эгалик ҳуқуқи белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъво талабига асос қилиб, уй-жойлар марҳум онаси отаси билан бирга яшаган даврида қурилганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди низоли уй-жойлар З.Холиқова билан А.Мелиевнинг турмушида даврида қурилган деб ҳисоблаб, уй-жойни умумий мулк деб топган. Апелляция инстанцияси ҳам суднинг ушбу хулосаси билан келишган.

Аниқланишича, А.Мелиевга тегишли уй-жойга 2016 йилда кадастр ҳужжати тайёрланиб, туман ҳокимининг 2016 йил 10 августдаги 2047Қ-сонли қарорига асосан 2016 йил 11 августда давлат рўйхатига олинганлиги, ҳужжатга асосан 0001-литер уй-жой майдони 85,50 кв.метр 1983 йилда қурилганлиги, 0002-литер уй-жой майдони 55,58 кв.метр 2008 йилда қурилганлиги, қолган ёрдамчи иморатлар 1989, 2009, 2012 йилларда қурилганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, манфаатдор шахс Э.Эркинова суд мажлисидаги тушунтиришларида низоли уй-жойга келин бўлиб тушганлигини, ўша вақтларда икки хона ва битта дахлиз бўлганлигини, кейинчалик қўшимча қурилишлар қилишганлигини, уй-жойнинг иккита хонасини таъмирлаганликларини, уй-жойдан 30 йилдан бери фойдаланиб келатганлигини баён қилган.

Ушбу ҳолатлар судларнинг эътиборидан четда қолиб, даъво асоссиз равишда қаноатлантирилган.

6-1843-19 сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (бундан буён матнда судлов ҳайъати деб юритилади) томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, судлов ҳайъати томонидан 2019 йил давомида келиб тушган 3 754 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 582 таси қайтарилган бўлса, уларнинг 304 тасини эса, қабул қилиш рад этилган, 1 230 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 304 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 84 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 539 таси бўйича Олий суд расининг ўринбосари томонидан рад жавоби берилган, 704 та иш бўйича эса, назорат тартибидаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Мазкур 704 та ишнинг 403 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар ташкил этган бўлса, 301 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар ташкил этади.

2019 йил давомида судлов ҳайъати томонидан кўрилган жами ишларнинг 135 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган бўлса, 34 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кассация инстанцияси судига (шундан 12 таси апелляция инстанцияси судига) кўриш учун юборилган, 106 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 34 таси бўйича кассация (апелляция) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган. 58 та иш бўйича эса, суд қарорлари ўзгартирилган, 22 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 266 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 704 та ишнинг 190 тасини Тошкент шаҳар, 72 тасини Хоразм вилояти, 58 тасини Қашқадарё вилояти, 50 тасини Тошкент вилояти, 53 тасини Фарғона вилояти, 46 тасини Самарқанд вилояти, 40 тасини Сирдарё вилояти, 39 тасини Бухоро вилояти, 36 тасини Сурхондарё вилояти, 31 тасини Жиззах вилояти, 27 тасини Наманган вилояти, 23 тадан Навоий ва Андижон вилоятлари ва 16 таси-

ни Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судлари суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоятлари ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган Наманган вилояти маъмурий судларининг 81 фоиз, Тошкент вилояти маъмурий судларининг 80 фоиз, Хоразм вилояти маъмурий судларининг 70 фоиз, Самарқанд вилояти маъмурий судларининг 66 фоиз суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Мазкур даврда судлов ҳайъати томонидан "Маъмурий судлар томонидан махсус ҳуқуқдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан тайинланган жазо муддатини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 343-моддасига асосан қисқартириш билан боғлиқ суд амалиёти", "Маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 271-моддасини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти", "Маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 10 ва 11-бобларига мувофиқ ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилган ва ариза (шикоят) бўйича иш юритиш тугатилган ишларга доир суд амалиёти", "Маъмурий судларда давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти", "Давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар ҳамда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига мажбурият юклаш тўғрисидаги ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти", "Маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг маъмурий қамоққа олиш билан боғлиқ моддаларини қўллашга оид суд амалиёти" умумлаштиришлари ўтказилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг январь, апрель, июль ва октябрь ойларида судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатида муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Шахсни МЖТКнинг 197²-моддаси билан айбдор деб топишда у нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилганлиги, шу жумладан, нотариусга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаганлиги ҳолатлари ўз тасдиғини топиши лозим. Акс ҳолда, шахсни МЖТКнинг 197²-моддаси билан жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Биринчи инстанция судининг қарори билан фуқаро Л.М. МЖТКнинг 41 ва 197²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбдор деб топилган. Унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, МЖТКнинг 41-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида 861 200 сўм, 197²-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида 344 480 сўм жарима тайинланиб, МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, яъни 861 200 сўм жарима солинган.

Ушбу қарор билан фуқаро Л.М.нинг ўғли С.Л. ҳам МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилган ва ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, яъни 861 200 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, суд қарорларининг Л.М.ни МЖТКнинг 197²-моддаси билан айбдор деб топиш қисмини ушбу кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатган ва Л.М.га МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ушбу

кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан тайинланган 861 200 сўм жарима 172 240 сўмга келтирилган. Суд қарорининг С.Л.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати бунда Л.М.нинг ҳаракатларида МЖТКнинг 197²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас, деб ҳисоблаган. Чунки биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларида Л.М. айнан қайси ҳаракатлар билан нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилганлиги, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган қандай маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаганлиги, нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ унинг ҳаракатлари нимадан иборатлиги кўрсатилмаган. Иш ҳужжатларида ҳам Л.М. томонидан бундай ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқ кўрсатилмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати маъмурий ишнинг Л.М.га нисбатан МЖТКнинг 197²-моддаси билан қўзғатилган қисмини тугатишни, унинг ёши ва моддий аҳволини инобатга олиб, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, ушбу кодекснинг 41-моддасига асосан тайинланган 861 200 сўм жаримани 172 240 сўмга ўзгартиришни ва суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-1022-19-сонли иш

2. Ҳуқуқбузарга нисбатан қўзғатилган маъмурий иш бўйича МЖТКнинг 36-моддаси иккинчи қисмида белгиланган маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетган ҳолларда, ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланилмайди, балки қўзғатилган ишнинг маъмурий жазо қўллаш қисми бўйича иш юритиш МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан тугатилади.

Фуқаро М.Н. 2018 йил 13 мартда соат 11-20 ларда ўзига шартнома асосида тегишли бўлган "Матиз" русумли давлат рақами 01 В 111 АА автомашинани Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, ТХАЙ кўчаси бўйлаб Янгиобод бозори томонга ҳаракатланиб, светофорнинг яшил чироқ ишорасига асосан чапга қайрилаётган вақтда қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган ва светофорнинг яшил чироғида йўлни кесиб ўтаётган ҳайдовчи Л.Д.нинг бошқарувидаги "Д" МЧЖга қарашли бўлган "Нексия" русумли давлат рақами 01 222 ВВВ бўлган автомашинанинг йўлига чиқиб, у билан тўқнашув содир этиб, унинг чап ён қисмига зарар етказган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 15 февралдаги қарори билан фуқаро М.Н. МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари 172 240 сўм миқдорида жарима жазосига тортилган. М.Н.дан жабрланувчи "Д" МЧЖ фойдасига 3 500 000 сўм миқдорида зарар ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, суд қарорларининг М.Н.ни маъмурий жавобгарлик-

ка тортиш қисми бўйича иш юритиш МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан тугатилган. Суд қарорларининг М.Н.дан жабрланувчи фойдасига ундирилган зарар қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати М.Н.ни маъмурий жавобгарликка тортиш қисми бўйича иш юритишни МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан тугатишда унга нисбатан маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетганлигига асосланган.

Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ бўлими катта инспектори томонидан йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан 2018 йил 26 апрелда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса-да, биринчи инстанция судининг қарори МЖТКнинг 36-моддасида белгиланган маъмурий жазо чорасини қўллаш муддатларига риоя

қилинмасдан, ўн ой ўтиб қабул қилинган.

Ваҳоланки, МЖТКнинг 36-моддаси иккинчи қисмига кўра, жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-да, ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Шу сабабли судлов ҳайъати асосли равишда маъмурий ишнинг М.Н.ни маъмурий жавобгарликка тортиш қисми бўйича иш юритишни тугатган.

3-1009-1903/353-сонли иш

3. МЖТКнинг 170-моддаси мазмунига кўра, валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш предмети бўлиб, айнан айирбошланган пул маблағлари ҳисобланади. Шу сабабли, ашёвий далил сифатида давлат даромадига ушбу пул маблағлари мусодара қилиниши мумкин.

2019 йил 16 июнда Хива шаҳри бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан Хива шаҳрининг "Марказий деҳқон бозори" олдида фуқароларнинг қонунга хилоф равишда чет эл валютаси қимматликлари билан савдо қилиш ҳолатига аниқлик киритиш ва ҳужжатлаштириш мақсадида тезкор тадбир ўтказилган. Тадбир давомида ўтказилган назорат харидида фуқаро Д.Р. харидор сифатида жалб қилинган Фарҳод исмли фуқаро тақдим қилган 150 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда айирбошлаган.

Д.Р. шахсий кўриқдан ўтказилганда, унинг ёнидан (чўнтагидан) тадбир учун фойдаланилган 150 АҚШ долларидан ташқари 450 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм маблағлари борлиги аниқланган. Ушбу 450 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм пул маблағлари ашёвий далил сифатида сақлаш учун олинган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан фуқаро Д.Р. МЖТКнинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда ай-

бдор деб топилиб, унга нисбатан ўн сутка маъмурий қамок жазоси белгиланган. Шунингдек, ашёвий далил сифатида сақлаш учун олинган 450 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм давлат фойдасига мусодара қилинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгартириб, уларнинг 450 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 4 800 000 сўм пул маблағлари давлат фойдасига мусодара қилиш қисмини бекор қилиб, мазкур пул маблағларини Д.Р.га қайтаришни ва суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъатининг бундай тўхтамга келишда валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш предмети бўлмаган, яъни айирбошлаш предмети бўлмаган пул маблағлари ҳам ашёвий далил сифатида олинди, давлат даромадига мусодара қилинганлигига асосланган.

3-1401-1901/4401-сонли иш

4. Ҳуқуқбузар муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, у ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган бўлса ва унинг қилмишида маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, унга нисбатан МЖТК тегишли моддасининг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо қўлланилмайди.

2019 йил 18 ноябрда соат 22-50 ларда фуқаролар Ж.З. ва О.Р. Учтепа тумани, 21-квартал, 56 ва 57-уйлар оралиғида кетаётганларида Учтепа тумани ички ишлар органи ходимлари томонидан гумон қилиниб, шу жойнинг ўзида ҳолислар иштирокида текширилган. Текширишда Ж.З.нинг эғнида бўлган қора рангли шимнинг ўнг чўнтагидан 1000 сўмлик купюрага ўралган яшил рангли ўтсимон ўткир хидли модда ҳамда О.Р.нинг эғнида бўлган спорт кийимининг ўнг чўнтагидан шаффоф полиэтиленга ўралган яшил рангли ўтсимон ўткир хидли модда мавжудлиги аниқланган.

Экспертиза муассасаси томонидан тақдим

этилган кимёвий экспертиза ҳулосасида Ж.З.дан олинган ўсимлик таркибида гиёҳванд модда тетрегидроканнабинол мавжуд бўлиб, "Марихуана" эканлиги ва унинг қуруқ ҳолдаги оғирлиги 0,05 граммга тенг эканлиги, О.Р.дан олинган ўсимлик таркибида гиёҳванд модда тетрегидроканнабинол мавжуд бўлиб, "Марихуана" эканлиги ва унинг қуруқ ҳолдаги оғирлиги 0,04 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Ж.З. ва О.Р. МЖТКнинг 56-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, уларга

нисбатан ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган. Суд қарорларининг Ж.З. ва О.Р.га нисбатан тайинланган ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси саккиз сутка маъмурий қамоқ жазосига ўзгартирилган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигига, яъни ҳуқуқбузарлар муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигига, улар ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигига, бундай ҳолатларда МЖТКнинг 56-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан ушбу модда санкциясида назарда тутилган энг оғир жазони қўллаб бўлмаслигига асосланган.

3-1001-1902/5127-сонли иш

5. Қамоққа олиш тариқасидаги маъмурий жазонинг қўлланилишига алоҳида ҳолатларда йўл қўйилади. Ҳуқуқбузарга нисбатан жазони қўллашда содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши керак. Агар жазо тайинлашда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, жазо тайинланиши лозим.

Фуқаро К.Р. 2019 йил 23 октябрда соат 12-45 ларда Алишер Навоий кўчасидаги 14-уй олдида "Нексия" русумли давлат рақами 01 А 222 ВВ бўлган автомашинада ҳаракатланиб келаётганда, "С" МЧЖга қарашли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлайдиган фуқаро Д.Д. ишга бориш учун К.Р. бошқариб келаётган автомашинани тўхтатган. К.Р. автомашинада Д.Д.ни манзилига олиб бораётган вақтда унга шилқимлик қилиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар К.Р. МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати К.Р.га нисбатан МЖТКнинг 183-моддаси билан қўлланилган ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазосини тўққиз сутка маъмурий қамоқ жазосига ўзгартиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда К.Р.нинг ҳаракатлари-

ни биринчи ва кассация инстанцияси судлари тўғри квалификация қилган бўлса-да, унга нисбатан жазо қўллашда ҳуқуқбузарнинг мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳисобга олинмаганлигига асосланган.

Судлов ҳайъати ҳуқуқбузарнинг қилган қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, қизи оғир касалликка дучор бўлганлигини унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаган.

МЖТКнинг 30-моддасига мувофиқ жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Бироқ биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан мазкур қонун талабларига риоя қилинмасдан, ҳуқуқбузарга нисбатан бирмунча оғирроқ жазо қўлланилган.

7-1010-19-сонли иш

II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Фермер хўжалиги раҳбари ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, шунингдек, Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ер участкаси ижара шартномасини бекор қилишга асос бўлган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, туман ҳокимлиги томонидан ер участкаси ижара шартномасининг бекор қилиниши ва бу ҳақда туман ҳокимининг қарори қабул қилиниши қонун ҳужжатларига зид ҳаракат ҳисобланади. Қонун ҳужжатларига зид тарзда қабул қилинган туман ҳокимининг қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Туман ҳокимининг 2015 йил 11 мартдаги 222-сонли қарори билан "Р" фермер хўжалигига пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият юритиш учун туман ҳокимлиги захира ер майдонидан 22, 33-контурларидан жами 55 гектар, шундан 48,5 гектар суғориладиган экин ер, 1,0 гектар боғ, 2,2 гектар тутзор, 0,8 гектар сув ости, 0,4 гектар

қурилиш билан банд ер, 2,1 гектар бошқа ер майдонлари 49 йил муддатга ажратилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарори билан туман ҳудудидаги 22, 33-контурларидан жами 55 гектар ер майдонлари захирага қайтарилиб, "Р" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижа-

рага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилиниши белгиланган.

Шу сабабли "Р" фермер хўжалиги туман ҳокимлигига нисбатан маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан "Р" фермер хўжалигининг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда туман ҳокимлиги томонидан ер ижара шартномасини бекор қилиш-

да Ер кодексининг 36-моддаси талабларига риоя қилинмаганлигига асосланган. Чунки "Р" фермер хўжалиги раҳбари ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмаган, шунингдек, Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ер участкаси ижара шартномасини бекор қилишга асос бўлган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлма-са-да, туман ҳокимлиги ижара шартномасини бекор қилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман ҳокимлиги ўзининг 2019 йил 14 январдаги 333-сонли қарори билан қонун ҳужжатларига зид тарзда "Р" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкаси ижара шартномасини бекор қилган деб ҳисоблаб, ушбу қарорни ҳақиқий эмас, деб топган.

3-1812-1901/257-сонли иш

2. Аризачи узоқ муддат шифохонада даволанганлиги учун кассация шикоятини билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмаганда, бу ҳолат кассация шикоятини бериш муддатини ўтказиб юборишнинг узрли сабаби бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур ҳолатда, аризачи томонидан кассация шикоятини билан мурожаат қилинганда, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини уни бериш муддати ўтказиб юборилганлиги асоси билан қабул қилишни рад этиши мумкин эмас.

Аризачи К.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 16 апрелдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ва ариза (шикоят) билан мурожаат қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топиш ва ушбу муддатни тиклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 11 майдаги ажрими билан ариза (шикоят) билан мурожаат қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома рад этилиб, ариза қайтарилган.

Аризачи кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг 2019 йил 11 майдаги ажримини бекор қилишни сўраган. Кассация шикоятига кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топиш ҳақидаги илтимоснома илова қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 9 сентябрдаги ажрими билан аризачининг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топиш ҳақидаги илтимосномаси рад этилиб, кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Аризачи назорат шикоятини билан мурожаат қилиб, кассация инстанцияси судининг 2019 йил 9 сентябрдаги ажримини бекор қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни кассация инстанцияси судига кўриш учун юборган.

Судлов ҳайъати бунда МСИЮТКнинг 227 ва 247-моддаларига асосланган.

МСИЮТКнинг 227-моддасига кўра, кассация шикоятини (протести) суднинг ҳал қилув қаро-

ри қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикоятини (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

МСИЮТКнинг 247-моддасида биринчи инстанция судининг ажрими устидан ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан ушбу кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган кассация шикоятини (протестини) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Аризачи кассация шикоятини билан мурожаат қилиши мумкин бўлган даврда узоқ муддат шифохонада даволанган. У судга бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган. Судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди томонидан бу ҳолатлар асосиз равишда узрли топилмаган, деб ҳисоблаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиш ва ишни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун юборишни лозим топган.

7-1120-19-сонли иш

3. Ҳокимлик зиммасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклаш талаби маъмурий суд судловига тааллуқли бўлганлиги учун бу талаб бўйича иш юритиш тугатилмайди, балки талаб мазмунан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Аризачи Р.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 15 июндаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ҳамда Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 15 июндаги 333-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбуриятини юклатиш қисми бўйича иш юритиш тугатилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди қарорининг биринчи инстанция суди ҳал қилув

қарорининг туман ҳокимлиги зиммасига Мустақиллик кўчаси, 11-уйни Р.А. номига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси бериш ва мулк ҳуқуқини тан олиш мажбурияти юклатиш қисми бўйича иш юритишни тугатиш қисмини бекор қилган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда бу талаб маъмурий судга тааллуқли бўлганлиги учун Фуқаролик кодексининг 12-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда, шу жумладан ҳуқуқни тан олиш усулида ҳимоя қилиниши керак деб ҳисоблаган.

Бундан ташқари МСИЮТКнинг 27-моддаси биринчи қисми 2-бандида маъмурий суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилиши белгиланган.

7-879-19-сонли иш

4. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган маъмурий суд учун ишда иштирок этувчи шахсларга дахлдор бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Туман ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги 222-сонли қарорига асосан "Наврўз" МФИда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 75,50 квадрат метр, яшаш майдони 45,25 квадрат метр, умумий ер майдони 210,20 квадрат метр бўлган уй-жой Н.М.га тегишли деб эътироф этилган.

Н.М. 2009 йил 12 октябрда нотариал тартибда тузилган уй-жойни ҳада қилиш ҳақидаги шартномага асосан ўзига тегишли бўлган ушбу уйни турмуш ўртоғи Л.М.га ҳада қилган ва унинг номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган.

Шу сабабли Н.М.нинг акаси К.М. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда МСИЮТКнинг 72-моддаси учинчи қисмига асосланган.

МСИЮТКнинг 72-моддаси учинчи қисмида фу-

қаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган маъмурий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга дахлдор бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийлиги белгиланган.

Ваҳоланки, Н.М.нинг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2018 йил 18 июндаги ҳал қилув қарори билан ҳада шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган, фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 29 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, Н.М.нинг Л.М.га нисбатан фуқаролик ишлари бўйича судларга берган бошқа даъволарини ҳам қаноатлантириш рад қилинган.

Шу сабабли судлов ҳайъати аризачининг туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш учун келтирган барча важлари ва ҳолатлар фуқаролик ишлари бўйича судларда муҳокама қилиниб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганлиги учун биринчи ва кассация инстанцияси судларининг арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7-639-19-сонли

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўртинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг (бундан буён матнда судлов ҳайъати деб юритилади) 2019 йилдаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари назорат шикоятлари (протестлари) асосида назорат тартибида қайта кўрилган.

2019 йилда иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 110 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 2009 та (32 та протест) назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 653 та шикоят қайтарилган, 180 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 423 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, шундан 59 та ажрим бекор қилинган, 672 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

Йил давомида судлов ҳайъати томонидан 675 та шикоят (протест) кўриб чиқилган бўлиб, шулардан 215 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 115 та суд қарорлари ўзгартирилган, 345 та суд қарорлари эса, бекор қилинган.

Жумладан, 75 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 189 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 45 таси

бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 10 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво кўрмасдан қолдирилган, 26 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган, 188 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан суд таъсир чоралари сифатида жами 32 та (шундан 5 таси интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида) хусусий ажрим чиқарилган, 118 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаси бўйича 10 та таклиф берилган, 37 та қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этилган, 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (6 та қонун ва 11 та қонуности ҳужжати) лойиҳалари ишлаб чиқилиб, улардан 2 та қонун ва 1 та қонуности ҳужжати лойиҳалари қабул қилинган. Суд амалиёти юзасидан 7 та умумлаштириш ўтказилиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир қилувчи қарор қабул қилинганлиги ушбу қарорнинг бекор қилинишига ва ишни янгидан кўриш учун юборишга асос бўлади.

Пешку туман прокуратураси давлат манфаатида Пешку туман ҳокимлиги (бундан буён матнда туман ҳокимлиги деб юритилади), Пешку туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (бундан буён матнда давлат кадастри деб юритилади), "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Бухоро вилояти филиали (бундан буён матнда савдо ташкилоти деб юритилади) ва "О" хусусий корхонасига (бундан буён матнда хусусий корхона деб юритилади) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2010 йил 13 декабрдаги қарорини, савдо ташкилотининг 2015 йил 22 январдаги 008-сонли ғолиблик баённомасини, туман ҳокимининг 2015 йил 12 сентябрдаги 737-сонли қарорини, давлат кадастри томонидан 2015 йил 6 октябрда хусусий корхонага берилган ВУ 1 ва ВУ 2-сонли гувоҳномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда "Маъмурий ва ишлаб чиқариш" бино ва иншоотларини тўлиқ давлат эгалигига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган. Туман ҳокимининг 2010 йил 13 декабрдаги қарори, савдо ташкилотининг 2015 йил 22 январдаги 008-сонли ғолиблик баённомаси, туман ҳокимининг 2015 йил 12 сентябрдаги 737-сонли қарори, давлат кадастри томонидан 2015 йил 6 октябрда хусусий корхонага берилган ВУ 1 ва ВУ 2-сонли гувоҳномалар ҳақиқий эмас, деб топилиб, Пешку тумани, Янгибозор ҚФЙ, Иттифоқ кўчасида жойлашган умумий ер майдони 28020,0 кв.м бўлган бино ва иншоотлар тўлиқ давлат эгалигига қайтарилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 21 июндаги қарори билан ҳал қилув қарорининг хусусий корхонадан 6 889 600 сўм давлат божи ундириш қисми "хусусий корхонадан 11 387 000 сўм давлат божи ва 5 000 сўм почта харажати ундирилсин" деб ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда бино ва унга туташган ер ажратилган пайтда ҳеч қандай ишлаб турган корхона бўлмаганлиги, вайрон қилинган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган эски қурилиш ташкилотидан қолган ахлатхона берилганлиги, бажарилган ишлар тақдим этилган фотосуратларда акс эттирилганлиги, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолият тури ўзгартирилмаганлиги, ажратилган жойдан 12 ой ичида тўлиқ фойдаланиб келинганлиги, 10 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағи сарфланганлиги, ишчиларнинг ишдан бўшатилиши корхонани банкротлик ҳолатига олиб келиши баён қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, халқ депутатлари Пешку туман Кенгаши ижроия кўмитасининг 1978 йил

11 сентябрдаги 7п214-сонли қарори билан "Д"га ишлаб чиқариш базаси қуриши учун ер майдони ажратилган ва халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши ижроия кўмитасининг 1978 йил 26 сентябрдаги 18п-588-сонли қарори билан ушбу қарор тасдиқланган.

Пешку туман ҳокимининг 2010 йил 13 декабрдаги қарори билан "Д" ОТАЖга қарашли бино-иншоотларга ва улар жойлашган ер майдонига эгалик қилиш ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳамда давлат кадастри томонидан 2010 йил 5 августда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бухоро вилоят хўжалик судида кўзғатилган 20-1402/2478-сонли иш буйича 2014 йил 28 апрелда чиқарилган ижро варақаси ижросини таъминлаш мақсадида, савдо ташкилотининг 2015 йил 22 январдаги 008-сонли ғолиблик баённомасига кўра, "Д" ОТАЖга (МЧЖ) қарашли Пешку тумани, Янгибозор ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган "Маъмурий ва ишлаб чиқариш" бино ва иншоотлари "О" МЧЖга сотилган.

Пешку туман ҳокимининг 2015 йил 12 сентябрдаги 737-сонли қарори билан Пешку тумани, Янгибозор ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган "Маъмурий ва ишлаб чиқариш" бино ва иншоотларига нисбатан хусусий корхонага эгалик ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳамда бу ҳақда 2015 йил 6 октябрда ВУ 1 ва ВУ 2-сонли гувоҳномалар берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишга "С" АЖ жавобгар сифатида жалб этилмаган, ваҳоланки, даъво аризасида давлат эгалигига қайтарилиши сўралган мулк оммавий савдода хусусий корхонага сотилишидан олдин "С" АЖга тегишли бўлган ва ушбу мулкни "С" АЖнинг тасарруфидан давлат эгалигига олиб қўйиш тўғрисида суд қарори ёки бошқа бирор ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган.

Шунингдек, давлат эгалигига қайтарилган мулк Бухоро вилоят хўжалик судининг 2014 йил 28 апрелдаги ижро ҳужжатида асосан Пешку туман суд ижрочилар томонидан хатланган ва савдога қўйилган ҳамда низоли мулк хусусий корхона томонидан сотиб олинган бўлса-да, "С" АЖнинг қарзи эвазига ушбу мулкни хатлаган ва савдога чиқарган суд ижрочилар бўлимининг ҳуқуқий вори хисобланган Мажбурий ижро бюроси ишга жалб этилмаган.

Биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган, яъни ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган. Ушбу процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилишига кассация инстан-

цияси суди томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундан ташқари судлар томонидан даъво аризаси талабига аниқлик киритилмаган, яъни қайси давлат органига ушбу мулк қайтарилиши лозимлиги ва ушбу давлат органини ишга жалб қилиш масаласи ҳал этилмаган.

ИПКнинг 322-моддаси биринчи қисмига кўра, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ушбу кодекснинг 321-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб чиққанда ушбу кодекснинг 302-моддаси тўртинчи қисми 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва

ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати хусусий корхона вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, прокурорнинг фикрини эшитиб, назорат шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-2003-1801/342-сонли иш

2. Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, суд бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилиш ҳақида суд ҳужжатини қабул қилиши белгиланган.

"Ж" МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) Нукус туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан жавобгар "Ў" АЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси филиалига нисбатан мурожаат қилиб, Г.Қаллибековага суднинг ҳал қилув қарори асосида тўланган 256 837 109 сўм, А.Алламбергеновага суднинг ҳал қилув қарори асосида тўланган 192 918 640 сўм, А.Алламбергенованинг вояга етмаган фарзандлари Сарсенбаева Мехрибон Балтабаевна (20.05.2002 йил), Сарсенбаева Гулмира Балтабаевна (13.09.2003 йил), Сарсенбаев Ойбек Балтабаевич (04.10.2009 йил)нинг таъминоти учун ҳар ойда 1 367 821,52 сўм миқдоридан келиб чиқиб, уларнинг вояга етган вақтига қадар ундиришни, Г.Қаллибекованинг вояга етмаган қизи А.Жумабергановага (09.01.2013 йил) ҳар ойда 1 504 384,64 сўм миқдоридан келиб чиқиб, нафақани вояга етгунига қадар ундиришни, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган жами 35 725 368,38 сўмни, вояга етмаган фарздандлари учун ҳар ойда тўланадиган Г.Қаллибековага 442 320 сўм ва А.Алламбергеновага тайинланган 1 278 885,93 сўм миқдоридан келиб чиқиб ундиришни, "Советник" адвокатлик фирмасига тўланган 4 000 000 сўм хизмат ҳақини, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан давлат фойдасига ундирилган жами 9 081 234 сўм давлат божини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман

қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 25 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Назорат шикоятда, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги, иш учун аҳамиятли ҳолатларга аниқлик киритилмаганлиги, кассация инстанцияси суди томонидан автоавария ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг ажрими инобатга олинмаганлиги кўрсатилиб, мазкур иш бўйича қабул қилинган кассация инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучда қолдириш сўралган.

ИПКнинг 73-моддаси биринчи ва учинчи қисмларига кўра, ишнинг иқтисодий суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган иқтисодий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогардан Г.Қаллибековага 256 837 109 сўм, А.Алламбергеновага 192 918 640 сўм ундирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судининг 2017 йил 19 сентябрдаги ажрими билан даъвогар ходимлари А.Давлетов ва Б.Жумабаев ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган, деб топилган. Шу боис даъвогарнинг жавобгардан суднинг ҳал қилув қарори асосида тўланган Г.Қаллибековага 256 837 109 сўм, А.Алламбергеновага тўланган 192 918 640 сўмни ундириш ҳақидаги талаби асосли бўлиб,

уни қаноатлантириш лозим бўлади.

ИПКнинг 66-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек, низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, даъво талабининг Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган жами 35 725 368,38 сўмни ундириш тўғрисидаги қисми ишдаги ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топган. Яъни 2018 йил 3 августдаги 650-сонли тўлов топшириқномаси билан даъвогар томонидан Молия вазирлиги Фазначилик бошқармасига 10 896 891,20 сўм, 651-сонли тўлов топшириқномаси билан 24 828 477,18 сўм, жами 35 725 368,38 сўм тўлаб берилган. Шу боис даъвогарнинг мазкур талаби ҳам асосли бўлиб, уни қаноатлантириш лозим бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари"нинг 48-бандида мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги тўғрисида келиб чиққан қўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

Даъвогарнинг А.Алламбергеновнинг вояга етмаган фарзандлари Сарсенбаева Мехрибон Балтабаевна (20.05.2002 йил), Сарсенбаева Гулмира Балтабаевна (13.09.2003 йил), Сарсенбаев Ойбек Балтабаевичнинг (04.10.2009 йил) таъминоти учун ҳар ойда 1 367 821,52 сўм миқдоридан келиб чиқиб, уларнинг вояга етган вақтига қадар ундириш, Г.Қаллибекованинг вояга етмаган қизи А.Жумабергановага (09.01.2013 йил) ҳар ойда 1 504 384,64 сўм миқдоридан келиб чиқиб, нафақани вояга етгунига қадар ундириш, вояга етмаган фарзандлари учун Г.Қаллибековага ҳар ойда тўланадиган 442 320 сўм ва А.Алламбергеновага тайинланган 1 278 885,93 сўм миқдоридан келиб чиқиб ундириш, "Советник" адвокатлик фирмасига тўланган 4 000 000 сўм хизмат ҳақини, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан давлат фойдасига ундирилган жами 9 081 234 сўм давлат божини ундириш тўғрисидаги та-

лаблари асослаб берилмаганлиги, яъни даъвогар томонидан судга даъво аризаси тақдим қилгунга қадар ушбу суммаларни юқорида кўрсатилган шахсларга тўлаб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар судга тақдим қилинмаганлиги, шунингдек, адвокат хизмати ва фуқаролик судига тўланган давлат божини ундириш талаблари асоссиз бўлганлиги боис судлов ҳайъати даъвогарнинг мазкур талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг А.Алламбергеновнинг вояга етмаган фарзандлари Сарсенбаева Мехрибон Балтабаевна (20.05.2002 йил), Сарсенбаева Гулмира Балтабаевна (13.09.2003 йил), Сарсенбаев Ойбек Балтабаевич (04.10.2009 йил)нинг таъминоти учун ҳар ойда 1 367 821,52 сўм миқдоридан келиб чиқиб, уларнинг вояга етган вақтига қадар ундириш, Г.Қаллибекованинг вояга етмаган қизи А.Жумабергановага (09.01.2013 йил) ҳар ойда 1 504 384,64 сўм миқдоридан келиб чиқиб, нафақани вояга етгунига қадар ундириш, вояга етмаган фарзандлари учун ҳар ойда тўланадиган Г.Қаллибековага 442 320 сўм ва А.Алламбергеновага тайинланган 1 278 885,93 сўм миқдоридан келиб чиқиб, ундириш ҳақидаги талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса-да, ушбу талабларини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди эса, ишдаги далиллар тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, нима сабабдан ушбу далиллар мақбул далил сифатида инobatга олинмаслигини қарорда кўрсатмасдан, даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши, суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

ИПКнинг 322-моддаси биринчи қисмига биноан суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибда ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда шикоят қисман қаноатлантирилиши, иш юзасидан қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниши, даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилиниши, яъни жавобгардан даъвогар фойдасига жами 485 481 116 сўм ундириш, даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш, суд харажатлари даъво талабининг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда тақсимлаш, экспертиза харажатларини даъвогар зиммасида қолдириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа

режимда олиб бориш билан боғлиқ харажатларини ИПКнинг 118-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жавобгар зиммасига юклаш лозим. Бинобарин, тарафлар томонидан олдиндан тўланган давлат божларини инобатга олиб, ишни биринчи, кассация ва назорат инстанция судида кўриш учун жавобгардан даъвогар фойдасига 953 966,68 сўм давлат божи ва 17 840 сўм почта харажатларини ҳамда республика бюджетига 1 303 799,86 сўм давлат божи, ишни видеоконференцалоқа режимда кўриш билан боғлиқ 111 500 сўм харажатлари ва 17 840 сўм почта харажатлари ундирилиши лозим.

3. Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

ИПКнинг 118-моддаси иккинчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам, ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация, назорат шикоятни бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда палата деб юритилади) АТ "Халқ банки" Бухоро вилоят Амалиёт бўлими (бундан буён матнда банк бўлими деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "А" хусусий корхонасидан (бундан буён матнда хусусий корхона деб юритилади) банк бўлими фойдасига муддатидан олдин 57 787 810 сўм кредитдан асосий қарз, 18 941 190 сўм кредит фоизи, жами 75 729 000 сўм ундиришни, ундирувни "SH" фермер хўжалигига (бундан буён матнда фермер хўжалиги деб юритилади) тегишли бўлган Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Сўфкоргар ҚФЙ, Урганжхона қишлоғида жойлашган "болалар боғчаси биноси"га (бундан буён матнда гаров мулки деб юритилади) қаратишни сўраган.

Суднинг 2016 йил 18 октябрдаги ажрими билан ишга АТ "Халқ банки" (бундан буён матнда банк деб юритилади) даъвогар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ундирилган. Ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантириш рад этилган. Даъво талабининг 56 787 810 сўм асосий қарз ундириш ва банк бўлимига нисбатан қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 1 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори хулоса қисми иккинчи хатбошисидаги — хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кре-

дит фоизи ундириш, ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисми — даъво талабининг ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳамда 18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилсин деб ўзгартирилган. Ҳал қилув қарори хулоса қисмининг тўртинчи хатбошиси (хусусий корхонадан бюджетга давлат божи ундириш қисми) бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

4-2301-1801/2927-сонли иш

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 17 майдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг — ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисми бекор қилиниб, ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда кассация инстанцияси суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар ўрганилмаганлиги, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги, хусусий корхона томонидан 2016 йилда кредит қарздорлик тўлиқ қопланганлиги, шу сабабли суд ижрочилари томонидан ижро иши бўйича иш юритиш тамомланганлиги, бироқ кредит қарздорлик тўлиқ қоплангандан кейин ҳам асоссиз равишда 18 941 190 сўм кредит фоизи ҳисобланганлиги ҳақида важлар келтирилиб, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Аниқланишича, банк ва хусусий корхона ўртасида 2013 йил 10 апрелда 22-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, банк хусусий корхонага "DX225LCASLR" русумли занжирли экскаватор сотиб олиши учун йиллик 18 фоиз тўлаш шarti билан 3 (уч) йил муддатга 420 000 000 сўм кредит ажратиш, хусусий корхона эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган тўлов графиги асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банк, хусусий корхона ва фермер хўжалиги ўртасида 2013 йил 11 апрелда тузилган ипотека

шартномасига асосан, гаров мулки биргаликда тўзилган 2013 йил 15 мартдаги баҳолаш далолатномасига асосан, 200 000 000 сўмга ўзаро баҳолашиб, гаровга қўйилган.

Кредит шартномасида хусусий корхона олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида тўлаб бориш мажбуриятини олган бўлса-да, бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширмаган.

Палатанинг банк бўлими манфаатида берган даъво аризаси бўйича Бухоро вилоят хўжалик судида қўзғатилган 20-1403/8628-сонли иш юзасидан 2014 йил 19 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан хусусий корхонадан банк фойдасига 401 500 000 сўм кредит қарз, 12 078 000 сўм кредит фоизи, 1 467 359 сўм пеня, 2500 сўм почта харажати, жами 415 047 859 сўм ундирилган. Ундирув гаров мулки ва кредит эвазига сотиб олинган "DX225LCASLR" русумли занжирли экскаваторга қаратилиб, гаров мулкининг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув баҳоси 200 000 000 сўм, кредит эвазига сотиб олинган "DX225LCASLR" русумли занжирли экскаваторнинг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув баҳоси эса, 375 000 000 сўм этиб белгиланган.

Даъво аризасида хусусий корхонадан қайтарилмаган 56 787 810 сўм кредит қарзи ва унга мутаносиб ҳисобланган 18 941 190 сўм фоиз (2016 йил 5 октябрь ҳолатига) ундириш, шунингдек, ундирувни фермер хўжалигига тегишли бўлган гаров мулкига қаратиш сўралган.

ФКнинг 47-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Иш қўрилган вақтда амалда бўлган Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси 1 ва 2-бандларига кўра, хўжалик суди низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, умумий суд, хўжалик судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, иш юритишни тугатади.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган 20-1403/8628-сонли иш юзасидан 2014 йил 19 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан хусусий корхонадан банк фойдасига низоли иш бўйича сўралган 56 787 810 сўм кредитдан асосий қарз ундирилиб, ундирув фермер хўжалигига тегишли бўлган гаров мулкига қаратилганлигини, шунингдек, банк бўлими юридик шахс мақомига эга эмаслигини инобатга олиб, даъво талабининг 56 787 810 сўм кредитдан асосий қарз ундириш ва банк бўлимига нисбатан қисмлари бўйича иш юритишни тугатиш, ундирувни фермер хўжалигига тегишли бўлган гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, бироқ хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш ҳақида нотўғри ху-

лосага келган.

Чунки даъво аризасида хусусий корхонадан 18 941 190 сўм кредит фоизи ундиришни талаб қилишда ФКнинг 734 ва 736-моддаси биринчи қисмига асосланган.

ФКнинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ бошқа шахсларнинг пул маблағларини гайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

ФКнинг 734-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФКнинг 736-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъий назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб, то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

ФКнинг 744-моддаси биринчи қисмига мувофиқ кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 20 декабрдаги 13/150-сонли қарори 10-бандининг иккинчи хатбошисида кредит шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши кредит ташкилотини кредит шартномасини бекор қилиш пайтидан бошлаб қайтариш кунига қадар пул маблағларидан фойдаланилган бутун давр учун ФКнинг 734-моддасида назарда тутилган фоизларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги, тўртинчи хатбошисида ФКнинг 736-моддаси бирин-

чи қисмида назарда тутилган фоизлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳисобланиши, кўрсатилган, қарз суммасини қайтаришни кечиктириш муносабати билан ундириладиган фоизлар, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пул маблағларидан фойдаланганлик учун қайтариш кунига ҳисобланган фоизларсиз ушбу суммага ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ хусусий корхонага нисбатан ҳисобланган 18 941 190 сўм кредит фоизнинг тегишли ҳисоб-китоби мавжуд эмас, агар фоизни ҳисоблашда ФКнинг 734-моддасига асосланган бўлса, шартномада белгиланган қайси миқдордан келиб чиққанлиги, ФКнинг 736-моддаси биринчи қисмига асосланган бўлса, у ҳолда ФКнинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қайси миқдордан келиб чиққанлиги, пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолганлиги, уларни қайтариб беришдан бош торганлиги ёки фойдаланганлиги исботланмаган. Қолаверса, хусусий корхона томонидан қайтарилмаган 56 787 810 сўм кредитдан асосий қарз 20-1403/8628-сонли иш бўйича чиқарилган ижро ҳужжатида асосан ундириб олинishi мумкин. Шунингдек, банкнинг Бухоро туман суд ижрочилари бўлимига йўллаган 2016 йил 24 мартдаги 126/03-03-сонли маълумотида 2016 йил 22 мартда қарздорлик тўлиқ қопланганлиги инobatга олиниб, қолдиқ сумма, яъни 27 714 749,01 сўм қайтарилганлиги қайд этилган.

Апелляция инстанцияси суди эса, қайд этилганларни инobatга олмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгартириш, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорининг — ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилиб, ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақида янги қарор қабул қилиб, нотўғри хулосага келган.

ИПКнинг 321-моддаси 3-бандига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб чиққанда ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга ҳақли.

ИПКнинг 322-моддаси биринчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун

асос бўлади.

ИПКнинг 118-моддаси иккинчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация, назорат шикоятни бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантиришни, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини тўлиқ, ҳал қилув қарорининг — хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ва 5000 сўм почта харажати ҳамда республика бюджетига 189 412 сўм давлат божи ундириш қисмларини бекор қилишни, ҳал қилув қарорининг бекор қилинган қисми бўйича янги қарор қабул қилишни, хусусий корхонадан банк фойдасига 18 941 190 сўм кредит фоизи ундириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгартиришсиз қолдиришни, Солиқ кодексининг иш кўрилган вақтда амалда бўлган 330-моддаси 6-бандига кўра, Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича давлат божидан озод этилганлиги сабабли ишни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўриш учун ундирилиши лозим бўлган давлат божини ундирувсиз қолдиришни, почта харажатлари олдиндан тўланганлигини инobatга олишни, банкдан фермер хўжалиги фойдасига ишни назорат инстанцияси судида кўриш учун олдиндан тўланган 94 705,95 сўм давлат божи ва 17 000 сўм почта харажати ундиришни, шунингдек, суд мажлисини кассация ва назорат инстанцияси судларида видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ 85 750 (30 000+55 750) сўм суд харажатларини банк зиммасига юклашни лозим топиш тўғрисида қарор қабул қилган.

20-1606/13307-сонли иш

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Суд қарорлари моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган бўлиб, жавобгар томонидан келтирилган важлар суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори фақат юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Вилоят хўжалик судининг 15-1606/9732-сонли иши бўйича 2017 йил 10 июнда қабул қилинган

ҳал қилув қарорига асосан "ТА'MIR" масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) Унитар корхонаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) фойдасига 320 209 350 сўм асосий қарз, 32 020 935 сўм пеня, 3 552 303 сўм давлат божи ва 3 000 сўм почта харажатлари, жами 355 755 588 сўм ундирилган ва ижро варақаси берилган.

Қарздорнинг суд қарорига асосан, қарздорлик-

ни тўлаш учун тўлов қобилияти йўқлиги, пул маблағларини ўз вақтида ўтказиб бермаганлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжудлиги сабабли, аризачи судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қарздорни банкрот деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Б.Жўраев қарздорни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Вилоят иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 7 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қарздор томонидан мазкур суд қарорлари ус-тидан назорат шикоятни берилган бўлиб, унда жамиятда 20 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар ишлаб келаётганлиги, жамият фаолиятини тиклаш ва юритиш учун имконияти мавжудлиги, аризачи билан ўзаро келишувга эришиш ва ҳамкорликда ишлаш чоралари кўрилганлиги инobatга олинмаганлигини кўрсатиб, суд қарорларини бекор қилиб, суд санацияси жорий қилиш ҳақида ажрим чиқариш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, вилоят хўжалик судининг 15-1606/9732-сонли иши бўйича 2017 йил 10 июнда қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан қарздордан аризачи фойдасига жами 355 755 588 сўм ундирилган ва ижро варақаси берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш вақтида амалда бўлган "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Бундан ташқари ушбу қонуннинг 5-моддасида банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин, ушбу қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги кўрсатилган.

Қарздорнинг туман давлат солиқ инспекцияси олдида 56 535 133 сўм, аризачи олдида 309 653 941 сўм қарздорлиги мавжудлиги, Фарғона

вилоят хўжалик судининг 15-1606/9732-сонли иши бўйича 2017 йил 10 июнда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан тасдиқланганлиги, қарздорлик миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан ошиб кетганлиги, тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан қарздор томонидан бажарилмаганлиги ҳолати ишдаги ҳужжатлар ва тарафлар вакилларининг кўрсатмалари билан тўлиқ ўз исботини топган.

Аризачининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси суднинг 2019 йил 15 апрелдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий этилган.

Қарздор кредиторларининг 2019 йил 8 майдаги қарори билан қарздорга нисбатан банкротликнинг тугатиш таомили жорий этиш суддан сўралган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 7 июндаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва унга тугатишга доир иш юритиш бошланган.

ИПКнинг 322-моддаси биринчи қисмига биноан суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Мазкур ҳолатда биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг важларини муҳокама этиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо бериб, моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, иш ҳолатларига мувофиқ қонуний ва асосланган қарорлар қабул қилган. Шу сабабли уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати қарздорнинг суд санацияси жорий қилиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш учун асослар йўқ деб ҳисоблайди. Чунки аризачи судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилгунга қадар бўлган даврда ҳам қарздор аризачи олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш чораларини кўрмаган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати қарздорнинг назорат шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, суд қарорларини эса, ўзгаришсиз қолдиришни, ишни назорат тартибида кўриш билан боғлиқ суд харажатлари қарздор томонидан олдиндан тўланганлигини инobatга олиб, ундан ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1504-1903/853-сонли иш

2. Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария меъёр ва қоидаларига сўзсиз риоя этиши шарт. Бунга риоя этмаслик уларнинг фаолиятини суд тартибида тўхтатишга сабаб бўлади.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (бундан буён матнда вилоят ДСЭНМ деб юритилади) "N" масъулияти чекланган жамиятига (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖга тегишли бўлган, атроф-муҳитга зарар келтираётган объект фаолиятини тўхтатиш-

ни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 4 октябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган. МЧЖ аниқланган санитария қоидалари, нормаларининг бузилишлари бартараф этгунга қадар унинг полипропилен қоплардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фао-

лияти тўхтатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 20 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

МЧЖ назорат шикоятни билан мурожаат қилиб, мамлакатда тадбиркорликка кенг кўламда шарт-шароит яратиб берилаётганлиги, шунга кўра, полипропилен қоғлардан иккиламчи хомашё (полипропилен гранулалари) ишлаб чиқариш бўйича тадбиркор сифатида фаолиятни бошлаганлиги, фаолиятни бошлашдан олдин шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг (бундан буён матнда шаҳар ДСЭНМ деб юритилади) 2018 йил 25 июндаги 01-08/735-сонли рухсатномаси мавжуд бўлса-да, вилоят ДСЭНМ томонидан ушбу рухсатнома 2018 йил 4 октябрда бекор қилинган ва тадбиркорликка тўсқинлик қилинганлигини, шунингдек, вилоят ДСЭНМ судга ариза билан мурожаат қилиб, тадбиркорнинг фаолиятини тўхтатишига эришганлиги, МЧЖ томонидан берилган апелляция шикояти асоссиз равишда рад этилганлигини билдирган ва суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар раҳбари назорат шикоятида баён қилинган вазиятни қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили суд қарорларини ўзгартирилган қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, суд қарорларини ўзгартирилган қолдиришни лозим топди.

"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига кўра, давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан амалга оширилади.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 42-моддаси биринчи хатбошисига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади; тўртинчи хатбошисига кўра, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулдда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно, фақат суд тартибда қўлланилади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, шаҳар ДСЭНМ, "З" МФЙ, МЧЖ ва ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар иштирокида 2017 йил 23-24 октябрь кунлари МЧЖнинг молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда мониторинг ўтказилган.

Мониторингда МЧЖ "З" МФЙ, "З" кўчаси, 3-уйда полипропилен қоғлардан иккиламчи хомашё

ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши, ушбу фаолият 0350-17-сонли "Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария меъёр ва қоидалари"нинг 6.1.1-бандига мувофиқ, 4-синфга мансуб бўлиб, унинг санитария химоя минтақаси 100 метр этиб белгиланган бўлса-да, МЧЖ билан аҳоли яшаш ҳудудигача бўлган масофа 75 метр-ни ташкил этиши аниқланган ва бу тўғрисида далолатнома тузилган.

МЧЖ раҳбари Р.Абдуллаев мониторинг давомида берган тушунтиришида ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган салбий ҳолатларни олдини олиш чораларини кўриши ҳамда келажакда фаолиятини бошқа жойга кўчиришини билдирган бўлса-да, МЧЖ томонидан чора кўрилмаган.

Баён этилган асосларга кўра, вилоят ДСЭНМ судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишни сўраган.

0350-17-сонли "Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария меъёр ва қоидалари"нинг 6.1.1-бандига мувофиқ пластмассани қайта ишловчилар 4-хавфлилик синфига мансуб бўлиб, ушбу тоифадаги ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли яшаш хонадонигача 100 метрли санитария муҳофаза масофаси белгиланган.

МЧЖнинг полипропилен қоғлардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши натижасида ҳудуддаги аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган.

Шунингдек, МЧЖга шаҳар ДСЭНМнинг 2018 йил 25 июндаги 01-08/735-сонли хати асосида фаолият кўрсатишларига рухсат берилган бўлса-да, ушбу рухсатноманинг қонунийлиги вилоят ДСЭНМ томонидан ўрганилиб, 2018 йил 4 октябрдаги 143-и/ф-сонли қарори билан бекор қилинган.

Вилоят ДСЭНМнинг 2018 йил 4 октябрдаги 143-и/ф-сонли қарори устидан МЧЖ маъмурий судга мурожаат қилиш ва уни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраш ҳуқуқи мавжуд бўлса-да, МЧЖ бу ҳуқуқдан фойдаланмаган ва вилоят ДСЭНМнинг юқорида қайд этилган қарори қонуний кучда.

Бундан кўринадики, МЧЖга суд томонидан тўхтатилиши белгиланган фаолиятни амалга ошириш юзасидан ваколатли органнинг рухсати мавжуд эмас.

Биринчи инстанция суди вилоят ДСЭНМнинг ариза талабини қаноатлантириб, МЧЖнинг полипропилен қоғлардан иккиламчи хомашё ишлаб чиқариш фаолиятида аниқланган санитария қоидалари, нормалари бузилишлари бартараф этилгунига қадар тўхтатиш тўғрисида асосли хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартирилган қолдириб, тўғри тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати ҳам биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартирилган, МЧЖнинг назорат шикоятини эса, қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида асосли хулосага келган.

4-1601-1802/5413-сонли иш